

# ОМИНА

Ойлик ижтимоий ва маърифий журнал, 1437, Зулҳижжа 10-сон



*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим! Азиз диндошлар! Барчаларингизга энг хайри ўн кеча муборак бўлсин. Ушбу кечларни кундузлари билан тоатда, ибодатда ўтказишимизни Аллоҳ таоло ҳаммамизга насиб айласин. Ҳожиларимизнинг ҳажларини мабрур, саъйиларини машкур айласин. Қурбонликларимизни ўз хузурида хусни мақбул қилсин! Барчангизга Қурбон ҳайити муборак! Яна бунақа байрамларнинг кўпига тинчлик ва хотиржамликда етиб юрайлик! Омин!*



“OMINA“ электрон журналининг  
таҳрир ҳайъати аъзолари

Бош муҳаррир  
Одинахон Муҳаммад Содик

Таҳрир ҳайъат аъзолари  
Салима Рустамий, Хасанхон Яҳё Абдулмажид,  
Абдуллажон Гуломов, Нилуфар Маҳаммаджановна,  
Барно Саидрахмон, Феруза Назар

Техник муҳаррир  
Муяссар Каюмова

Саҳифаловчи  
Даврон Мадияров  
Дизайнер  
Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ

e-mail: [info@muslimaat.uz](mailto:info@muslimaat.uz)



# Омонлик юрти

وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ اجْعَلْ هَذَا الْبَلَدَ مَنَافَةً  
نَعْبُدُكَ الْأَصْنَامَ ﴿٣٥﴾

**35. Эсла, Иброҳим шундай демишди: «Эй Роббим, бу юртни омонлик юрти қилгин, мени ва болаларимни санамларга ибодат қилишимиздан четда қилгин».**

Маълумки, Иброҳим алайҳиссалом Маккаи Мукаррамада икки марта бир-бирига ўхшаш дуо қилганлар. Биринчи марта Биби Ҳожар билан гўдак Исмоил алайҳиссаломни қолдириб кетаётди дуо этадилар. Иккинчи марта эса, Каъбатуллоҳ биноти қуриб бўлинганидан сўнг дуо қилганлар. Биз ўрганаётган дуолари иккинчисидир.

**«Эй Роббим, бу юртни омонлик юрти қилгин...»**

Омонлик улўф неъмат ҳисобланади. Унга бошқа жуда кўп неъматлар боғлиқ бўлади. Шунинг учун, Иброҳим алайҳиссалом Каъбатуллоҳ – Байтуллоҳ қурилган юртнинг омонлик юрти бўлишини Аллоҳдан сўрамоқдалар. Омонлик Аллоҳ томонидан берилганидан кейин унга шукр қилиниши керак эди. Аммо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги Макка

аҳлларининг кўплари шукр қилмадилар. Улар Аллоҳнинг уйи – Каъбатуллоҳ шарафидан омонликда яшадилар-у, лекин Аллоҳга шукр этмадилар. Аллоҳга, Унинг Пайғамбари ва туширган китобига иймон келтирмадилар. Улар, отамиз Иброҳимнинг динидамиз, деб даъво қилдилар. Ҳолбуки, Иброҳим алайҳиссалом Каъбатуллоҳни қуриб бўлган чоғларида Аллоҳга

**«...мени ва болаларимни санамларга ибодат қилишимиздан четда қилгин»,** деб ёлборган эдилар. Демак, араб мушрикларининг даъволари пуч. Улар Аллоҳ берган неъматларга шукр ҳам қилмадилар, оталари Иброҳим алайҳиссаломнинг йўлларида ҳам юрганлари йўқ. У киши алайҳиссалом буту санамлар ҳақида яна шундай деган эдилар:

رَبِّ إِنهِنَّ أَضَلَّلْنَ كَثِيرًا مِّنَ النَّاسِ فَمَنْ تَبِعَنِي فَإِنَّهُ  
مِنِّي وَمَنْ عَصَانِي فَإِنَّكَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣٦﴾

**36. Эй Роббим, албатта, у(санам)лар одамлардан кўпини адаштирдилар. Бас, ким менга эргашса, у менадир. Ким менга осий бўлса, албатта, Ўзинг мағфират қилгувчи ва раҳимлисан.**



Иброҳим алайҳиссалом ўз даврларида ва ундан олдинги замонларда бут-санамлар кўплаб кишиларнинг залолатга кетишига сабаб бўлганини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам, ушбу маънодаги дуони қилдилар:

**«Эй Роббим, албатта, у(санам)лар одамлардан кўпини адаштирдилар».**

Ҳа, тарихда кўп одамлар буту санамлар туфайли тўғри йўлдан оздилар. Фитнага учрадилар.

**«Бас, ким менга эргашса, у мендан дир. Ким менга осий бўлса, албатта, Ўзинг мағфират қилгувчи ва раҳимлисан.»**

У киши алайҳиссалом одамларни шундай ажратиб олганлар: менга эргашганлар Аллоҳнинг йўлига юрган, тўғри йўлдаги кишилар бўлади; менга осий бўлганлар эса, гуноҳкор ва кофир бўладилар. Эй Роббим, уларнинг гуноҳларини Ўзинг кеч, раҳим айлаб, тўғри йўлга бошла.

Иброҳим алайҳиссалом Пайғамбарлар ичида жуда ҳам ҳалийм ва юмшоқ қалблик билан ажралиб турадилар. Ҳар доим кофирларга ҳидоят сўраб дуо қиладилар. Иброҳим алайҳиссалом дуоларида давом этиб айтадиларки:

رَبَّنَا إِنِّي أَسْكَنْتُ مِنْ ذُرِّيَّتِي بُوَادٍ غَيْرِ ذِي زَرْعٍ  
عِنْدَ بَيْتِكَ الْمُحَرَّمِ رَبَّنَا لِيُقِيمُوا الصَّلَاةَ فَاجْعَلْ  
أَفْعِدَةً مِنَ النَّاسِ تَهْوِي إِلَيْهِمْ وَارْزُقْهُمْ مِنَ  
الشَّمْرَاتِ لَعَلَّهُمْ يَشْكُرُونَ ﴿٣٧﴾

**37. Эй Роббимиз, ҳақиқатда мен ўз зурриётимдан Сенинг Байтул Ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирдим. Эй Роббимиз, намозни тўқис адо этишлари учун. Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин ва уларни мевалардан ризқлантиргин. Шояд, шукр қилсалар.**

Иброҳим алайҳиссалом ўз зурриётидан бўлмиш Исмоил алай-ҳиссаломни Аллоҳнинг Байтул Ҳароми ёнига, ўсимликсиз водийга жойлаштиришларининг бош сабабини намоз демоқдалар.

**«Эй Роббимиз, намозни тўқис адо этишлари учун.»**

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга ибодат қилишлари, намозни тўқис адо этишлари учун зурриётларидан баъзисини машақ-

қатларга тўла, сувсиз, гиёҳсиз, иссиқ чўлнинг ўртасига жойлаштирдилар.

Одатда, одамлар гиёҳсиз чўлларга бо-ришни истамайдилар. У ердаги машаққатлардан қўрқадилар. Эй Роббимиз:

**«Бас, Ўзинг одамлардан баъзиларининг қалбларини уларга талпинадиган қилгин...»**

Уларнинг қалблари доимо ўша, мен зурриётимдан баъзисини жойлаштирган, Байтул Ҳаром ёнидаги водийга талпиниб турадиган бўлсин.

**«...ва уларни мевалардан ризқлантиргин.»**

Ўша зурриётимни ва улар билан бирга ўша ерда яшаётганларни мевалардан ризқлантиргин.

**«Шояд, шукр қилсалар»,** деб дуо қилдилар.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг бу дуоларини қабул этди. Мазкур юртни, Ҳарами Шарифни омонлик юрти қилиб қўйди. Унинг омонлигига таҳдид соладиганларни ҳалок қилди. У ердагилар Аллоҳга ибодатни тўғри қилиб, намозни тўқис адо этганларида, омонликка қўшиб тўқчиликни ҳам берди. Мусулмон бўлган одамлар қалбини ўша томонга талпиниб турадиган этиб қўйди. У жойнию аҳолисини, ерларида ҳеч нарса ўсмаслигига қарамасдан, турли мевалар билан ризқлантириб қўйди. Фақат, ўша ер аҳолисининг шукр қилиши қолди, холос. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар қилиб юборилишлари арафасида ва даъватларини бошлаган пайтларида эса, уларнинг ношукрлиги ҳаддан ошган эди. Аллоҳ таолога ибодат қилиш ўрнига, улар буту санамларга ибодат қилардилар. Ҳатто Каъбатуллоҳнинг ичига ҳам бутларни олиб кириб қўйган эдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам фатҳ куни Байтуллоҳни улардан тозаладилар.

رَبَّنَا إِنَّكَ تَعَلَّمُ مَا نُخْفِي وَمَا نُعَلِنُ وَمَا يَخْفَى عَلَى اللَّهِ  
مِنْ شَيْءٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ ﴿٣٨﴾

**38. Эй Роббимиз, албатта, Сенинг Ўзинг махфий тутган нарсамизни ҳам, ошкор қилган нарсамизни ҳам яхши билурсан. Аллоҳ учун на ердаю на осмонда бирор нарса махфий қолмас.**

Кимнинг беҳисоб шукр айтаётганини ҳам, кимнинг бошқа ишлар билан машғул бўлиб юрганини ҳам Ўзинг биласан. Шунинг учун, Ўзинг билиб жазо ёки мукофотини берасан.

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي وَهَبَ لِي عَلَى الْكِبَرِ إِسْمَاعِيلَ  
وَإِسْحَاقَ إِنَّ رَبِّي لَسَمِيعُ الدُّعَاءِ ﴿٣٩﴾

**39. Кексалик пайтимда менга Исмоил ва Исҳоқни ато қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Албатта, Роббим дуони эшитгувчидир.**

Маълумки, Иброҳим алайҳиссалом узоқ вақт фарзанд кўрмаганлар. Тўқсон ёшларида Исмоил алайҳиссалом, сўнгра Исҳоқ алайҳиссалом дунёга келганлар. Кекса кишига фарзанд бериш Аллоҳнинг улуг неъматидир. Шунинг учун, Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссалом ёрдамида Байтуллоҳни қуриб бўлганларида ҳам бу неъматни ёдга олиб, ўзларига кексалик чоғида фарзанд берган Аллоҳга ҳамду санолар айтмоқдалар. Аллоҳ таолонинг дуоларни қабул этгувчи Зот эканини зикр қилмоқдалар:

«Албатта, Роббим дуони эшитгувчидир».

رَبِّ اجْعَلْنِي مُقِيمَ الصَّلَاةِ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي -  
وَتَقَبَّلْ دُعَاءِ ﴿٤٠﴾

**40. Эй Роббим, мени ва зурриётларимни намозни тўқис адо этадиганлардан қилгин. Эй Роббимиз, дуони қабул этгин.**

Ибодат пайтида яна ибодат учун Аллоҳдан ёрдам сўраш ибодатнинг бардавом бўлишида Аллоҳнинг Ўзидан ёрдам сўрашни англатади. Аллоҳнинг дуоларни қабул этгувчи Зот эканини зикр қила туриб, яна дуони қабул этишини сўраш бирор тўсиқ бўлиб қолмасин, деган хавфни англатади.


Келаси оят ила Иброҳим алайҳиссаломнинг дуолари сўнгига етади.

رَبَّنَا اغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ وَلِلْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ يَقُومُ  
الْحِسَابُ ﴿٤١﴾

**41. Эй Роббимиз, мени, ота-онамни ва мўминларни ҳисоб қилинадиган куни мағфират айлагин.**

Ҳисоб қилинадиган кун деганда қиёмат тушунилади, албатта. Ўша кунда, Аллоҳнинг мағфирати бўлмаса, ҳеч ким нажот топмайди. Иброҳим алайҳиссаломнинг бу машҳур дуоларида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни инкор этиб турган мушрикларга қарши маънолар кетма-кет келиши билан бирга, мўминларнинг қалбига қувват берувчи маънолар ҳам келганини кўрдик.

Одинахон Муҳаммад Содик





# Умр сафарри

حَدَّثَنَا آدَمُ قَالَ: حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي ذَثْبٍ، عَنْ نَافِعٍ، عَنْ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ. وَعَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ سَالِمٍ، عَنْ ابْنِ عُمَرَ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ: أَنَّ رَجُلًا سَأَلَهُ مَا يَلْبَسُ الْمُحْرَمُ فَقَالَ: «لَا يَلْبَسُ الْقَمِيصَ وَلَا الْعِمَامَةَ وَلَا السَّرَاوِيلَ وَلَا الْبُرُوسَ وَلَا ثَوْبًا مَسَّهُ الْوَرَسُ أَوْ الرَّعْفَرَانُ، فَإِنْ لَمْ يَجِدِ التَّعْلِينَ فَلْيَلْبَسِ الْخَفِينَ وَلْيَقْطَعْهُمَا حَتَّى يَكُونَ تَحْتَ الْكَعْبَيْنِ».

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу-модан ривоят қилинади:

«Бир киши у зот алайҳиссаломдан эҳромдаги одам қайси кийимларни кийиши ҳақида сўради. Шунда **«Кўйлак ҳам, салла ҳам, шалвор ҳам, бурнус<sup>1</sup> ҳам, варс<sup>2</sup> ва заъфарон<sup>3</sup> теккан кийим ҳам киймайди. Агар кавуш топа олмаса, маҳси кийсин ва тўпигидан паст турадиган қилиб кесиб ташласин»**, дедилар».

حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ قَالَ: سَمِعْتُ عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ الْقَاسِمِ قَالَ: سَمِعْتُ الْقَاسِمَ يَقُولُ: سَمِعْتُ عَائِشَةَ تَقُولُ: خَرَجْنَا لَا نَرَى إِلَّا الْحَجَّ، فَلَمَّا كُنَّا بَسْرَفَ حَضَتْ، فَدَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَأَنَا أَبْكِي قَالَ: «مَا لَكَ أَنْفَسْتِ؟». قُلْتُ: نَعَمْ. قَالَ: «إِنَّ هَذَا أَمْرٌ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَيَّ بَنَاتِ آدَمَ، فَأَقْضِي مَا يَقْضِي الْحَاجُّ، غَيْرَ أَنْ لَا تَطُوبِي بِالْبَيْتِ». قَالَتْ: وَضَحَّى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنْ نِسَائِهِ بِالْبَقْرِ.

Оиша розияллоҳу анҳо айтади:

«Фақат ҳажни кўзлаб йўлга чиқдик. Сарифга<sup>4</sup> етганимизда, ҳайз кўриб қолдим. Ийглаётган эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузуримга кирдилар. **«Сенга нима бўлди, ҳайз кўрдингми?»** дедилар. «Ҳа», дедим. **«Бу Аллоҳнинг Одам қизларига битган нарсадир. Энди ҳожи бажарадиган ҳамма нарсани бажаравер, фақат Байтни тавоф қилма»**, дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллари номидан сигир сўйиб, қурбонлик қилдилар».

حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ بُكَيْرٍ قَالَ: حَدَّثَنَا اللَّيْثُ، عَنْ عُقَيْلٍ، عَنْ ابْنِ شَهَابٍ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: خَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ

ﷺ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ، فَمِنَّا مَنْ أَهَلَ بِعُمْرَةٍ، وَمِنَّا مَنْ أَهَلَ بِحَجٍّ، فَفَدَمْنَا مَكَّةَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ أَحْرَمَ بِعُمْرَةٍ وَلَمْ يُهْدِ فَيُحْلِلْ، وَمَنْ أَحْرَمَ بِعُمْرَةٍ وَأَهْدَى فَلَا يَحِلُّ حَتَّى يَحِلَّ بِنَحْرٍ هَدِيهِ، وَمَنْ أَهَلَ بِحَجٍّ فَلْيَتِمَّ حَجَّهُ». قَالَتْ: فَحَضَّتْ فَلَمْ أَزَلْ حَائِضًا حَتَّى كَانَ يَوْمَ عَرَفَةَ، وَلَمْ أَهْلِلْ إِلَّا بِعُمْرَةٍ، فَأَمَرَنِي النَّبِيُّ ﷺ أَنْ أَنْقِضَ رَأْسِي وَأَمْتَشِطُ، وَأَهْلِلَ بِحَجٍّ، وَأَتْرُكَ الْعُمْرَةَ، فَفَعَلْتُ ذَلِكَ حَتَّى قَضَيْتُ حَجِّي، فَبَعَثَ مَعِيَ عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ أَبِي بَكْرٍ، وَأَمَرَنِي أَنْ أَعْتَمِرَ مَكَانَ عُمْرَتِي مِنَ التَّنْعِيمِ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Видолашув ҳажида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга йўлга чиқдик. Орамизда умрага эҳром боғлаганлар ҳам, ҳажга эҳром боғлаганлар ҳам бор эди. Маккага етиб келганимизда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким умрага эҳром боғлаб, ҳадий атамаган бўлса, эҳромдан чиқсин. Ким умрага эҳром боғлаб, ҳадий атаган бўлса, ҳадийсини сўймагунича эҳромдан чиқмасин. Ким ҳажга эҳром боғлаган бўлса, ҳажини тугал қилсин»**, дедилар.

Кейин мен ҳайз кўриб қолдим. Арафа куни келганида ҳам ҳайзли ҳолимда эдим. Мен фақат умра учун эҳром боғлаган эдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сочимни ёйишимни, таранишимни ва ҳажга эҳром боғлаб, умрани тарк этишимни буюрдилар. Шундай қилдим. Ниҳоят, ҳажни адо қилиб бўлганимда, Абдурраҳмон ибн Абу Бакрни мен билан бирга юбориб, умрам ўрнига Танъимдан бошқа бир умра қилишга буюрдилар».

حَدَّثَنَا آدَمُ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، حَدَّثَنَا سَيَّارُ أَبُو الْحَكَمِ قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا حَازِمٍ قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ t قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ t يَقُولُ: «مَنْ حَجَّ لِلَّهِ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَنْفُسُقْ رَجَعَ كَيَوْمِ وَكَلَدَتْهُ أُمُّهُ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Ким Аллоҳ учун ҳаж қилсаю, шаҳвоний нарсалар ҳамда фосиқлик қилмаса, онасидан туғилган кундагидек бўлиб қайтади»**, деяётганларини эшитдим».

«Саҳиҳул Бухорий»дан

<sup>1</sup> Бурнус – қалпоқли устки кийим, капюшон.

<sup>2</sup> Варс – Яманда ўсадиган сариқ ўсимлик, ундан кийим бўёғи, юз бўёғи олинади.

<sup>3</sup> Заъфарон – сариқ рангли зиравор ўсимлик.

<sup>4</sup> Сариф – Макка яқинидаги қишлоқ.

# Дуо

## ва савобни бағишлаш

«Бир банда бошқа банданинг ҳаққига дуо қилса ёки ўзи қилган хайрли ишнинг савобини бағишласа бўладими», деган саволга бериладиган жавоб қадимдан кўпгина тортишувларга сабаб бўлиб келган.

**Б**ошқанинг ҳаққига дуо қилиш бу ўринда ўлган кишига мағфират сўраш маъносидаги гапдир. Оддий ҳолатдаги дуо ҳақида ихтилоф йўқ. Бу масалада гап асосан ўтганлар ҳақида бўлади.

Бу ҳам қадимдан ҳар замонда янгилашиб, анчагина тортишувларга сабаб бўлиб турадиган масалалардан. Кўпинча ҳар ким ўзиникини маъқуллаб гапираверади-ю, аммо масалани илмий йўл билан ҳал қилишга ўтилмайди. Бунинг натижасида орада гап кўпайгани қолади, холос. Аслида эса бошқа масалалар қатори, бу масалани ҳам тортишаётган тарафлар бир ерга келиб, ҳужжат – далил суриштириб ҳал қилиб олса, енгил кўчади. Аҳли сунна ва жамоа уламолари доимо шу ишнинг тарафдорлари бўлишлари лозим. Чунки уларнинг далиллари қадимдан тайёр. Улуғ уламоларимиз бу масалаларни батафсил баён қилиб қўйганлар.





Ушбу сарлавҳа остида сўз юритмоқчи бўлган масаламизни оладиган бўлсак, уни бундан етти юз йилча олдин ёзилган «Шарҳи «Ақийдатут Таҳовия» китобидан топамиз. Топганда ҳам, худди бугунги кунимизда баҳс қилинаётгандек шаклда топамиз.

Шунинг учун бу масалада ўша китобдаги маълумотларнинг ўзини тақдим қилишни афзал кўрдим. Аммо айтиш лозимки, агар менинг ихтиёримда бўлганида, баъзи бир шиддатли сўз ва ибораларни ишлатмаган бўлар эдим. Аммо иқтибос олган одамнинг бундай қилишга ҳаққи йўқ.

Марҳамат қилиб, мазкур китобдан олинган иқтибос билан танишинг:

### ЎЛГАНЛАРГА ДУО ҚИЛИШ ВА УЛАРГА САВОБ АТАШ

«Тирикларнинг дуо ва садақаларидан ўлганларга манфаат бордир».

**Шарҳ:** Аҳли сунна ва жамоа ўлганлар тирикларнинг қилган амалидан манфаат олишларига иттифоқ қилганлар.

Мусулмонларнинг унинг ҳаққиға қилган дуолари, айтган истиғфорлари ва унинг номидан қилган садақалари ва ҳажлари бунга мисолдир.

Баданий ибодатнинг савоби ўлганга етадими, йўқми, деган масалада ихтилоф бўлган.

Баданий ибодат рўза, намоз, Қуръон қироати ва зикрга ўхшаган нарсалардан иборат.

1. Абу Ҳанифа, Аҳмад ибн Ҳанбал ва жумхур (кўпчилик) «Баданий ибодат савоби ўлганга етади», деганлар.

2. Шофеъий ва Молик «Етмайди», дейдилар.

Ўлганга ўзидан бошқанинг амали савоби етишига далил Қуръонда, Суннатда, Ижмоъда ва Қиёсда бордир:

### ҚУРЪОНДАН ДАЛИЛ:

وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا  
أَغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ

**«Улардан кейин келганлар: «Роббимиз, бизни ва биздан аввал иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин», дерлар» (Ҳашр сураси, 10-оят).**

Аллоҳ таоло ушбу оятда ўзларидан олдин ўтган мўминларга мағфират сўраганларни мадҳ қилмоқда. Бу эса ўлганлар тирикларнинг истиғфоридан манфаат олишига далолат қилади.

### СУННАТДАН ДАЛИЛ:

Имом Абу Довуднинг «Сунан» китобида Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан қуйидаги ҳадис ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлик дафн қилиб бўлинганидан кейин устида туриб, «Биродарингизга истиғфор айтинглари. Унга собитлик сўранглари. Чунки у ҳозир сўроқ қилинади», дер эдилар».

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан қабрларни зиёрат қилган вақтда ўлганларга дуо қилиш ҳақида ҳадислар келган.

Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» китобларида келган ҳадис бунга мисолдир:

«Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Қабр аҳллариға истиғфор айтсангиз, нима дейсиз?» деб сўрадилар.

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай жавоб берганлар: «Ассалому алайкум, эй мўмин ва мусулмонлар диёри аҳли. Аллоҳ биздан ва сиздан олдин ўтганларни-ю, кейин қолганларни раҳм қилсин. Ва албатта, биз ҳам сизларга келиб қўшиламиз».

## ҲАЖНИНГ САВОБИ ЕТИШИГА ДАЛИЛ:

«Саҳиҳи Бухорий»да Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадисда қуйидагилар айтилади: «Жухайна қабиласидан бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Онам ҳаж қилишни назр қилган эди. Ҳаж қилмасдан вафот этиб қолди. У кишининг номидан ҳаж қилсам бўладими?» деди.

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унинг номидан ҳаж қил. Айтчи, онангнинг қарзи бўлганида, адо қилармидинг? Аллоҳнинг қарзини ҳам адо қилинглр. Аллоҳ вафо қилишга ҳақлидир», дедилар».

Шунингдек, мусулмонлар ўлган одамнинг қарзини бошқа биров, ҳатто бегона одам ҳам тўлаб қўйса, унинг зиммасидаги қарз соқит бўлишига ижмоъ қилишган.

Бунинг далили Абу Қатоданинг ҳадисидир.

Абу Қатода розияллоҳу анҳу бир ўликнинг икки динор қарзини ўз бўйнига олган. Кейин ўша икки динорни ҳақдорга берганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Энди (ўлганнинг) териси совуди», деганлар.

*Ал-Ҳоким ривоят қилган.*

Худди рўза ва ҳажнинг савоби етганидек, ҳақ олмасдан, холисона Қуръон қироат қилиб, савоби ўлганга бағишланса, унинг савоби ҳам етади.

Агар «Бу иш ўтганлар ичида маълум бўлмаган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам буни қилишга иршод қилмаганлар-ку!» деган эътироз бўлса, жавоб шулки, агар эътироз қилувчи ҳаж, рўза ва дуонинг савоби етишини эътироф қиладиган бўлса, булар билан Қуръон қироати савобининг етиши орасида нима фарқ бор? Ўтганларнинг бу ишни қилмагани савобнинг марҳумларга етмаслигига далил эмас.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқанинг номидан рўза тутиш, ҳаж ва садақа адо қилишга ир-

шод қилганлар, қироатга эса иршод қилмаганлар, деган эътироз бўлса, унга жавобимиз қуйидагича:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сабабсиз, аввал бошдан иршод қилганларида, қироатнинг савоби етмаслигига далил бўлиши мумкин эди. Ҳақиқатда эса ундай бўлмаган. Одамлар ўлган шахс номидан рўза тутиш, ҳаж қилиш ҳақида сўраб келишганда изн берганлар. Бу эса бошқа нарсалар ман қилинган, дегани эмас. Агар бирон киши Қуръон қироати ҳақида сўраганида, изн берган бўлар эдилар».

Қироат савобини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бағишлашга келсак, мутааххир уламолардан баъзилари бу ишни мустаҳаб деганлар, баъзилари бидъат деганлар. Зеро, саҳобалар бундай қилмаганлар ва ўзи шундай ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга у кишининг умматларидан ҳар бирининг яхши амалининг савоби – қироати Қуръонми, бошқами – етиб туради. Чунки у зот умматларини яхши ишларга далолат ва иршод қилганлар.

Ўлганнинг номидан рўза тутиш, ҳаж ва садақа қилишнинг маълум шакли бўлмаганидек, Қуръон қироатининг ҳам маълум шакли ёки шарт-шароити йўқ. Ўлган одамга савоб бўлишини хоҳлаган одам ўзи тиловат қилиб, дуо ила савобини бағишлаб қўяверади.

Аммо Қуръон тиловат қилиб, савобини маййитга бағишлаши учун бировни ёллаб олишни ўтган азизлардан ҳеч ким қилмаган. Уламоларимиздан бирорталари бу ишга амр қилмаганлар, рухсат ҳам бермаганлар. Амал Аллоҳ учун холис бўлгандагина савоб ҳосил бўлади. Ажр-ҳақ олиш учун ёлланган одамнинг қироати эса холисона эмас. Ундан савоб ҳам ҳосил бўлмайдики, маййитга бағишласа.

Шунинг учун ҳам имомлардан бирорталари ҳам «Рўза тутиб, намоз ўқиб, савобини маййитга бағишлаш учун биров ёллаб олинад», демаганлар.

# ҲАЖГА ОИД ФИҚҲИЙ ҲУКМЛАР

Эркагу аёлларда бўлиши лозим бўлган умумий шартлар қуйидагилардан иборат:

**1. Ўзига зарур нарсалардан ва қайтиб келгунча аҳли аёлининг нафақасидан ортиқча зоди роҳиласи бор бўлиши.**

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида шундай деган:

وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا  
وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ ﴿١٧﴾

**Одамлардан йўлга қодир бўлганларига Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилмоқ бурчдир. Кимки куфр келтирса, албатта, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир» (97-оят).**

Ушбу ояти карима ила ҳаж ибодати фарз бўлган. Маънонинг ўзидан билиниб турибдики, ҳаж ибодати ҳаммага ҳам фарз бўлавермайди. Балки «Одамлардан йўга қодир бўлганларига» фарз бўлади. Улар кимлар? Улар соғлиги яхши, ҳажга бориб-келишга оиласидан орттирган маблағи бор, йўлида хавф-хатар йўқ, аёл киши бўлса, маҳрами бор шахслардир.

Ушбу шартларни ўзида мужассам этган ҳар бир мусулмонга умрида бир марта ҳаж қилиш фарздир. Улар имкони бўлиб туриб ҳаж қилмасалар, катта гуноҳ қилган бўладилар. Шунинг учун ҳам оятнинг охирида:

**«Кимки куфр келтирса, албатта, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир», дейиляпти.**

Яъни кимки имкони бўлиб туриб ҳаж қилмаса, Аллоҳ таоло оламдаги ҳаммадан ҳожати йўқ Зот, ҳаж қилмаганнинг тоатидан ҳам беҳожатдир. Бу оятда имкони бўлиб туриб ҳаж қилмаслик куфрга тенглаштириляпти.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا يُوجِبُ الْحَجَّ؟ قَالَ: «الزَّادُ وَالرَّاحِلَةُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبْنُ مَاجَةَ.

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

**«Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳажни нима вожиб қилади?» деди.**

**«Зод ва роҳила», дедилар».**

Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

«Зод» деганда ҳажга бориб, келгунча етадиган маишат (ейиш-ичиш ва кийиш) учун керакли сарф-харажат тушунилади.

«Роҳила» деганда эса ҳажга бориб, келгунча етадиган йўл харажатлари англанади.

Ана шу икки нарсага эга бўлган кишига, албатта, бошқа шартлар ҳам мавжуд бўлганда, ҳаж ибодатини адо этиш фарз бўлади.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: كَانَ أَهْلُ الْيَمَنِ يُحْجُونَ، وَلَا يَتَزَوَّدُونَ، وَيَقُولُونَ: نَحْنُ الْمُتَوَكِّلُونَ، فَإِذَا قَدِمُوا مَكَّةَ، سَأَلُوا النَّاسَ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى تَوَكَّرُوا وَتَزَوَّدُوا فَ نَفَثَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

**«Яман аҳли ҳажга озуқа олмай келишар, «Биз таваккал қилувчилармиз», дейишар эди. Маккага келгандан сўнг одамлардан тиланчилик қилишга тушишарди. Бас, Аллоҳ таоло «Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир»ни нозил қилди».**

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Бошқа бир ривоятда яманликлар: «Аллоҳнинг уйини ҳаж қиламиз-у, бизни оч қўярмиди», дейишар экан. Бу албатта, ҳар бир нарсага тайёргарлик кўриб юришга буюрадиган Ислом таълимотига хилофдир. Шу билан бирга, бу иш ҳажини Аллоҳга миннат қилишга киради. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ҳам руҳий, ҳам моддий озуқа билан озуқаланиб олишга амр қилмоқда. Шу билан бирга, ҳақиқий озуқа маънавий

озуқа бўлиб, у тақво эканини яна бир бор эслатиб қўймоқда.

## 2. Ҳур.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «أَيُّمَا صَبِيٍّ حَجَّ بِهِ أَهْلُهُ، ثُمَّ مَاتَ، أَجْرًا عَنْهُ، فَإِنْ أَدْرَكَ، فَعَلَيْهِ الْحَجُّ، وَأَيُّمَا مَمْلُوكٍ حَجَّ بِهِ أَهْلُهُ، ثُمَّ مَاتَ أَجْرًا عَنْهُ، وَإِنْ أُعْتِقَ، فَعَلَيْهِ الْحَجُّ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

**«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам:**

**«Қай бир ёш болани аҳли ҳаж қилдирса-ю, кейин у ўлиб қолса, ҳаж ҳисобга ўтади. Аммо балоғатга етса, унга ҳаж фарз бўлади. Қай бир қулни аҳли ҳаж қилдирса-ю, кейин у ўлиб қолса, ҳаж ҳисобга ўтади. Аммо у озод қилинса, унга ҳаж фарз бўлади», дедилар».**

Имом Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.

Қул кишига ҳаж фарз бўлмаган. Чунки ҳаж узоқ жойда, узоқ вақт давом этадиган ва сарф-харажат лозим бўлган ибодатдир. Қулга бу нарсалар оғир келади.

## 3. Соғ-саломат бўлиш.

Соғлиги сафарни кўтара олмайдиган кишиларга ҳаж фарз бўлмайди. Бунга далил Аллоҳ таолонинг **«Одамлардан йўлга қодир бўлганларига Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилмоқ бурчдир»** деган оятидир (Оли Имрон сураси, 97-оят). «Йўлга қодир бўлиш» «қудрати етиш» дегани бўлиб, у ҳар хил қудратларни – баданий, молиявий ва хавфсизлик қудратларини ўз ичига олади. Соғ-саломатлик баданий қудратга киради. Бинобарин, бемор, шол, фалаж кишиларга ҳаж фарз бўлмайди. Шунингдек, ўзи юра олмайдиган ўта қари кишиларга ҳам ҳаж фарз бўлмайди.

## 4. Кўзи кўрадиган бўлиш.

Кўзи ожиз кишиларга, агар етаклаб юрувчиси бўлса ҳам ҳаж фарз бўлмайди. Бу тоифадаги кишилар ҳам баданий қудрати етмайдиган шахсларга киради.

## 5. Мукаллаф бўлиш.

Яъни оқил ва болиғ бўлиши шарт. Мажнун ва ёш болаларга ҳаж фарз бўлмайди.

عَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثَةٍ: عَنِ النَّائِمِ حَتَّى يَسْتَيْقِظَ، وَعَنِ الصَّبِيِّ حَتَّى يَحْتَلِمَ، وَعَنِ الْمَجْنُونِ

حَتَّى يَعْقِلَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَالْحَاكِمُ.

Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам:**

**«Қалам уч(тоифа)дан кўтарилган: уйқудагидан, токи уйғонгунча; ёш боладан, токи эҳтилом бўлгунча; жиннидан, токи ақли киргунча», дедилар».**

Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

Ушбу ҳадиси шарифдаги «қалам»дан мурод таклиф қаламидир. Шаръий амалларни – таклифларни бажармаган кишиларнинг гуноҳларини ёзиб турувчи қаламдир. Жумладан, ҳаж фарз бўлса ҳам, уни қилмаганларнинг гуноҳларини ёзиб турувчи қаламдир.

Ушбу қалам уч тоифа одамдан кўтарилган бўлиб, улар томонидан шариат таклифлари бажарилмаса ҳам гуноҳ ёзилмас экан.

1. «Уйқудагидан, токи уйғонгунча».

Чунки уйқудаги одамнинг ихтиёри ўзида эмас. Унда хушёрлик, бир нарсани идрок қилиш етишмайди. Бинобарин, ухлаб қолгани сабабли фарзу вожиб амалларни бажара олмаган одам гуноҳкор ҳисобланмайди.

2. «Ёш боладан, токи эҳтилом бўлгунча».

Балоғат ёшидан кичик ёшдаги болаларнинг ақлий ва жисмоний камолоти бўлмайди. Шунинг учун ҳам улар учун шаръий таклифларни бажариш мажбурий эмас. Мабодо ўша таклифларга хилоф қилсалар, гуноҳ ёзилмайди.

3. «Жиннидан, токи ақли киргунча».

Жинни одам ҳам аҳли таклиф эмас. Зеро, «Ҳажнинг саҳиҳ бўлиш шартлари: Ислом, балоғатга етганлик ва ақл», дейилади.

## 6. Мусулмон бўлиши.

Исломда бўлмаган кишидан исломий ибодатни қилиш талаб қилинмайди. Агар у ўз ихтиёри билан исломий ибодатни қилса ҳам, барибир қабул бўлмайди. Қадимда кофирлик вақтида ҳаж қилган одамлар мусулмон бўлсалар, қайтадан ҳаж қилишлари фарз бўлган.

## 7. Яна йўлда омонлик.

Яъни йўлда ҳожининг ўзига ҳам, молига ҳам ҳеч қандай хатар бўлмаслиги керак. Аллоҳ таоло бандаларини хавф-хатар остига қўйиб, ибодатга чорламайди.

## 8. Аёл кишига, агар у билан Макканинг орасида сафар масофаси бўлса, эр ёки маҳрам ҳам шарт.

«Маҳрам» деганда эри ҳамда никоҳи абадий ҳаром бўлган бошқа эркак қариндошлари тушунилади. Улар туғишганлик, эмишганлик ёки қудачилик тарафидан бўлиши мумкин. Чунки ҳаж машаққатли сафар, унда турли ҳолатлар, қийинчиликлар содир бўлади. Ўшандай пайтда аёл ёлғиз ўзи қийналиши турган гап. Шунинг учун унинг хизматини қилиб бориб келишга яқин қариндошларидан бирор эркак унга ҳамроҳ бўлиши шарт.

Аёл кишининг эри ёки маҳрамисиз ҳаж қилиши ҳаромдир. Маҳрамсиз ҳаж қилган аёлнинг ҳажи кароҳат ила жоиздир. Маҳрами йўқ аёл ҳажга бориш учун эрга тегиши вожиб эмас.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يَخْلُونَ رَجُلٌ بِامْرَأَةٍ، إِلَّا مَعَ ذِي مَحْرَمٍ»، فَقَامَ رَجُلٌ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، امْرَأَتِي خَرَجَتْ حَاجَةً، وَاسْتَبْتُ فِي غَزْوَةٍ كَذَا وَكَذَا، قَالَ: «ارْجِعْ فَحَجِّ مَعَ امْرَأَتِكَ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

*Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг хутба қилиб:

«Зинҳор эр киши аёл киши билан холи қолмасин. Илло, у аёл билан маҳрами бўлса, майли. Аёл киши фақат маҳрами билангина сафар қилсин», дедилар. Шунда бир киши туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Менинг хотиним ҳажга чиқди. Мен эса фалон ғазотга ёзилдим», деди.

«Бор! Хотининг билан бирга ҳаж қил», дедилар».

*Тўртовлари ривоят қилишган.*

Бу ҳадиси шарифдан аёл киши ҳаж қилиши учун маҳрами бирга бўлиши шарт эканлиги келиб чиқади. Шунингдек, аёл кишининг бегона эркак билан холи қолишининг ўзи ҳам ҳаром. Чунки бу ҳолат фитнага сабаб бўлади. Муслима аёл сафарга чиққанда ҳам, албатта, ўз эри ёки бирорта маҳрами билан бирга чиқиши лозим.

Сафарда турли ҳолатлар юзага келиши турган гап. Аёл киши учун ноқулай ҳолатлар ориз бўлиб қолиши ҳам кўп учрайди. Айниқса, муслима аёлнинг шарафига тўғри

келмайдиган ишлар, ҳолатлар юзага келиши аниқ. Ана ўшандай пайтларда муслима аёлга эри ёки маҳрами хизмат қилади ва унинг шарафини ва ҳурматини жойига қўяди.

### Умри давомида бир марта.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: حَظَبْنَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ: «أَيُّهَا النَّاسُ، قَدْ فَرَضَ اللَّهُ عَلَيْكُمُ الْحَجَّ، فَحُجُّوا»، فَقَالَ رَجُلٌ: أَكُلَّ عَامٍ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ فَسَكَتَ حَتَّى قَالَهَا ثَلَاثًا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «لَوْ قُلْتَ نَعَمْ، لَوَجِبَتْ، وَلَمَا اسْتَطَعْتُمْ» ثُمَّ قَالَ: «ذُرُونِي مَا تَرَكْتُمْ، فَإِنَّمَا هَلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ بِكَثْرَةِ سُؤَالِهِمْ، وَاخْتِلَافِهِمْ عَلَى أَنْبِيَائِهِمْ، فَإِذَا أَمَرْتُكُمْ بِشَيْءٍ، فَأَتُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ، وَإِذَا نَهَيْتُمْ عَنْ شَيْءٍ، فَادْعُوهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бизга хутба қилиб:

«Эй одамлар! Батаҳқиқ, Аллоҳ сизга ҳажни фарз қилди. Бас, ҳаж қилинг!» дедилар.

Шунда бир киши:

«Ҳар йилими, эй Аллоҳнинг Расули?» дея уч мартаба сўрагунича жим турдилар. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ҳа, десам, вожиб бўлиб қолар эди ва қодир бўлмас эдингиз. Мен сизни тарк қилган нарсада сиз мени тек қўйинг. Албатта, сиздан олдин ўтганлар саволларининг кўплиги ва анбиёларига ихтилоф қилганлари туфайли ҳалок бўлганлар. Қачон сизга бир ишни амр қилсам, уни қудратингиз етганича қилинг. Қачон сизни бир нарсадан қайтарсам, уни тарк қилинг», дедилар».

*Муслим, Насоий ва Термизий ривоят қилишган.*

Бу ҳадиси шарифда ҳаж ибодати иложини топган, шартларни ўзида мужассам қилган мўмин-мусулмонга умрида бир марта фарз бўлиши ҳақида сўз бормоқда.

Шу билан бирга, Ислом осонлик дини экани яна бир бор таъкидланмоқда. Агар Аллоҳ таоло истаса, ҳажни ҳар йили ёки умр бўйи бир неча бор фарз қилиб қўйиши мумкин эди. Аммо бандаларига меҳрибон Зот бу ибодатни кишининг умрида фақатгина бир марта фарз қилди.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ الْأَقْرَعَ بْنَ حَابِسٍ سَأَلَ النَّبِيَّ ﷺ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، الْحُجُّ فِي كُلِّ سَنَةٍ أَوْ مَرَّةً وَاحِدَةً؟ قَالَ: «بَلْ مَرَّةً وَاحِدَةً، فَمَنْ زَادَ، فَهُوَ تَطَوُّعٌ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ وَالْحَاكِمُ.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

**«Ал-Акраъ ибн Ҳобис розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи васалламдан:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳаж ҳар йилими ёки бир мартами?» деб сўради.**

**«Йўқ. Фақат бир марта. Ким зиёда қилса, нафл бўлади», дедилар».**

Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоқим ривоят қилишган.

Демак, ҳажнинг фарзлиги ҳар йили бир марта эмас, балки умрда бир марта. Ким ундан ортиқча ҳаж қилса, биттадан зиёда-си ихтиёрий – нафл ҳаж бўлади.

**Фарз бўлиши билан дарҳол адо қилинади.**

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ مَاتَ وَلَمْ يُحِجَّ، فَلَيْمَتْ إِنْ شَاءَ يَهُودِيًّا أَوْ نَصْرَانِيًّا». رَوَاهُ ابْنُ عَدِيٍّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Ким (ҳажга қодир бўлса-ю,) ҳаж қилмаса, хоҳласа, яҳудий бўлиб ўлсин, хоҳласа, насроний бўлиб ўлсин», дедилар».**

Ибн Адий ривоят қилган.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ أَرَادَ الْحُجَّ، فَلْيَتَعَجَّلْ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَزَادَ: «فَإِنَّهُ قَدْ يَمْرُضُ الْمَرِيضُ، وَتَضِلُّ الضَّالَّةُ، وَتَعْرِضُ الْحَاجَةُ».

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

**«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Ким ҳажни ирода қилса, шошилсин», дедилар».**

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Имом Аҳмад **«Чунки киши бемор бўлиши, улови йўқолиб қолиши ва узри чиқиб қолиши мумкин»**ни зиёда қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдан келиб чиқиб, кўпчилик уламолар: «Кишида имкон пайдо бўлиши билан, ўша йили ҳаж қилиш фарз бўлади. Уни кечга суриш мумкин эмас», дейдилар.

Аммо имом Абу Юсуф, имом Муҳаммад ва бошқалар: «...Бир муддат кечга сурса ҳам жоиз. Набий соллаллоху алайҳи васал-



лам, ҳаж ҳижрий бешинчи ёки олтинчи санада фарз бўлган бўлса ҳам, ҳижрий ўнинчи санага келиб ҳаж қилганлар», дейдилар.

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ مَلَكَ زَادًا وَرَاحِلَةً تَبْلُغُهُ إِلَى بَيْتِ اللَّهِ، وَلَمْ يَحُجَّ، فَلَا عَلَيْهِ أَنْ يَمُوتَ يَهُودِيًّا أَوْ نَصْرَانِيًّا، وَذَلِكَ أَنَّ اللَّهَ يَقُولُ فِي كِتَابِهِ: ثَوَّلَهُ عَلَى النَّاسِ حُجَّ الْبَيْتِ مَنْ أَسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам:**

**«Ким зод ва уни Байтуллоҳга элтадиган роҳилага эга бўлса-ю, ҳаж қилмаса, унинг яҳудий ёки насроний ҳолида ўлишининг фарқи йўқ. Бу Аллоҳнинг Ўз Китобида «Одамлардан йўлга қодир бўлганларига Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилмоқ бурчдир», дегани учундир», дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

Бундан имкони бўлатуриб, ҳаж қилмаслик катта гуноҳ экани келиб чиқади. Бас, ўзида ҳаж шартларини мужассам қилган одам бошқа ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, энг аввало тезда ҳаж ибодатини қилишга шошилиши лозим. Кейин турли баҳоналар чиқиб, ҳаж қила олмай ўлиб


кетса, катта хайр ва баракадан маҳрум бўлган ҳолида кетади. Ҳадиси шарифнинг таъбирига эътибор берадиган бўлсак, ҳаж қилиш имконига эга бўлатуриб, узрсиз ҳаж қилмаган одам нафақат хайр ва баракадан маҳрум бўлади, балки ўта ноқулай ҳолда қолади. Чунки у Аллоҳ таолонинг таъкидланган амрини бажармаган бандадир.

**Агар ёш бола эҳром боғлаганидан кейин балоғатга етиб қолса ёки қул озод қилинса, фарзини адо қилмаган бўлади.**

Чунки у эҳром боғлаганда нафл учун боғлаган. Нафл нияти билан фарзни адо этиб бўлмайди.

Агар ёш бола эҳромини янгилаб, фарзни ният қилса, ҳаж тўғри бўлади. Лекин қул шундай қилса, ҳаж тўғри бўлмайди. Яъни эҳром боғлаганидан кейин балоғатга етиб қолган ёш бола аввалги эҳромини бузиб, фарз ҳажни адо этиш ниятида эҳром боғласа, тўғри бўлади. Чунки у аввал ўзи аҳл бўлмаган нарсани қилган эди. У балоғатга етгунича эҳром қоидаларини бузса ҳам, унга жазо лозим бўлмас эди. Аммо эҳром боғлаганидан кейин озод қилинган қул эҳромини янгилаб, фарзни ният қилса, ҳаж тўғри бўлмайди. Чунки қулнинг эҳроми лозим бўлиб, ундан чиқишга рухсат йўқ.

*“Кифоя” китобидан олинди*



**МАВЛОМ САНИ РОЗИ ЭТСАМ...**

Ўлим ҳақдир, кибр нечун? Ўздан кечсам,  
Тоатингнинг шаробидан қониб ичсам,  
Сафар яқин— хатар яқин, кафан бичсам,  
Шум нафсимга имонимни қози этсам,  
Амалим-ла, Мавлом, Сани рози этсам...

Зикр айтиб қалбим тошса қирғоғидан,  
Омон ўтсам, мункар-накир сўроғидан,  
Қабрим роҳат туйса маним туробимдан,  
Шум нафсимга имонимни қози этсам,  
Амалим-ла, Мавлом, Сани рози этсам...

Ҳолим надир — билолмайман, билолмайман!..  
Васлинг қайда! Ман ўзимга келолмайман,  
Ўлмай туриб, ўлмай туриб ўлолмайман...  
Шум нафсимга имонимни қози этсам,  
Амалим-ла, Мавлом, Сани рози этсам...

Ишқинг ёқса, ёниб-ёниб кул бўлсам-а!  
Бандам десанг — бир хокисор кул бўлсам-а!  
Мадинангнинг саҳросида қум бўлсам-а!..  
Шум нафсимга имонимни қози этсам,  
Амалим-ла, Мавлом, Сани рози этсам...

Ҳаққа элтган оёқ ости йўл бўлай ман,  
Каломингдан сўзлагувчи тил бўлай ман,  
Ҳушимни ол — телба-ошиқ дил бўлай ман!  
Шум нафсимга имонимни қози этсам,  
Амалим-ла, Мавлом, Сани рози этсам...

Кўз ёшларим тинмай оқсин— сел бўлойин,  
Тонг-ла Маҳшар аро пешво эл бўлойин,  
Ҳабибингнинг пойидаги гул бўлойин!..  
Шум нафсимга имонимни қози этсам,  
Амалим-ла, Мавлом, Сани рози этсам.

**Гулбаҳор Абдуллоҳ қизи**





# Билимсизликининг шифоси саволдир

## Тавоф қилиш

**Савол:** Ассалому алайкум! Ҳаж ёки умра зиёратига бориб келган инсонларни тавоф қилиш халқимиз орасида кенг тарқалган. Бу ҳақида шариат ҳукми қандай?

**Жавоб:** Ва алайкум ассалом!

Каъбадан бошқасини тавоф қилиш жоиз эмас. “Фатавои азизия” китобида: “Бирор улуғ зотнинг қабрини савоб умидида тавоф қилса, кофир бўлади” дейилган. Шунинг учун бундай қилишдан сақланиш керак.

## Ҳожини кутиб олиш.

Ҳожилар ватанларига қайтиб келганларидан кейин зиёратчилар улар билан салом алик қилиб, қўл бериб кўришиб, улардан ўзларини ҳақларига дуо оладилар. Чунки, ҳожиларни қилган дуолари мақбулдир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ -صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ-: «اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِلْحَاجِّ وَلِمَنْ اسْتَعْفَرَ لَهُ الْحَاجُّ

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

“Эй, Аллоҳим! Ҳаж қилгувчини ва ҳаж қилгувчи ҳаққига истиғфор айтганни ҳам мағфират қилгин” дедилар” (Байҳақий ривояти). Валлоху аълам!

**Савол:** Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари! Эркак киши Ҳажга кетган кундан бошлаб то қайтиб келгунга қадар аёли остонадан ташқарига яъни тўйларга, турли маросимларга, ҳатто қариндош уруғларникида аза бўлса ҳам таъзия билдириш учун ҳам бориши мумкин эмас экан. Уму-

ман ҳеч қаерга бориши мумкин эмас экан. Ҳазрат, шу гап асослими?

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

**Жавоб:** Асоссиз.

**3)Савол:** Ассалому алайкум! Биз ҳаж амалларини бажариб, Шайтонга тош отганимиздан кейин, қурбонлик қилингунча сочимизни олдириб қўйдик. Чунки шу куни сўйилган қурбонликлар кўпайиб кетгани ва ҳаво исиб, айниб, яроқсиз ҳолга келиб қолиши хавфи борлиги учун қолдирилганди. Бизни қурбонликлар 2 кун ўтиб сўйилди. Шу ҳолатда бизга зарари йўқми ёки бизга жарима вожиб бўлдимиз? Жавоб учун раҳмат.

**Жавоб:** Ва алайкум ассалом! Ақаба тошини отиш, қурбонлик қилиш ва соч олдириш амаллари орасида тартибга риоя қилиш: Ушбу учта амалар орасида тартибга риоя қилиш вожибдир. Унинг тартиби қуйидагичадир:

1. Қурбонлик куни ақаба тошини отиш;
2. Қурбонлик лозим бўлса, қурбонлик қилиш;
3. Сочни олдириш ёки қисқартириш.

Агар ҳожи тош отишдан олдин қурбонлик ёки соч олдириб қўйса ёки қурбонликдан олдин соч олдириб қўйса, жаримасига қурбонлик лозим бўлади. Ҳа, тавофи зиёратни ушбу учта амалдан олдин қилиш суннатга хилоф бўлсада, лекин қурбонлик қилишни вожиб қилмайди.

وَالترتيبُ بَيْنَ الرَّمْيِ وَالْحَلْقِ وَالذَّبْحِ يَوْمَ النَّحْرِ.

“Тош отиш, соч олдириш ва қурбонлик куни жонлиқ сўйиш орасида тартибга риоя қилиш вожибдир” (Баҳрур роиқ). Жиноят жонлигини ҳар ким ўз ватанида эмас, бал-

ки Маккада сўйилинади. Валлоҳу аълам.

4) **Савол:** Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари! Худо хоҳласа онам ўтиб кетган ота оналарига пул тўлаб ҳаж бадал қилмоқчилар. Лекин бир отин ойи: “ҳаж бадал йўқ нарса” дебди. Шунга ойижоним сиздан сўраб беришимни айтдилар. жавобингизни интизорлик билан кутамиз.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

**Жавоб:** — Бадал ҳаж шариятда бор. Аммо унда ўзининг фарз ҳажини бажариб бўлган бир киши бировнинг номидан ният қилиб, битта ҳожи нима қилиши керак бўлса, шуни қилиш керак. Бунинг эса, бизнинг шароитимизда имкони йўқ.

5) **Савол:** Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари! Ҳаж қилганда ҳамма гуноҳлар кечирилади деб эшитганман. Бировнинг ҳаққи ҳам кечириларми? Зулм, гийбат, туҳматлар ҳам кечириларми?

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

**Жавоб:** — Бировнинг ҳаққи кечирилмайди.

6) **Савол:** Ассаламу алайкум шайх хазратлари!

Шу йил мен ҳажга боришни ният қилиб куйганман. Бугунги кунда мени одамлардан молиявий қарзларим йук. Лекин бошқаларда мени ҳақларим бор. Баъзиларини тартибга солиш имкониятим бор. Бир масалада Сиздан маслаҳат ва ёрдам беришингизни сураб қоламман. Ота-оналаримиз 8-9 йил олдин утиб кетишган. Улардан бизлар икки угил ва турт киз қолган. Ҳаммалари уйли-жойли. Ота-онани уйида менинг акам оиласи билан туради. Улардан анчагина мерос қолган ва шу кунга қадар бўлинмаган. Мен 15 йил олдин онамга узимнинг яшаб турган уйимни-ховлини омонат сифатида ташлаб, хужжатларини расмийлаштириб бошқа шаҳарга ишга кетганман. 4-5 йиллар утгандан кейин акам мендан сурамасдан онамга ушбу ховлини соттириб оиласига автомашина ва бошқа нарсаларга сарф қилган. Бугунги кунда мен акам билан бу мавзуда унинг ҳурмати юзасидан гаплашганим йук. Аммо опа-сингилларим гаплашганда, қарзни буйнига олиб, номига

уч-турт йилда тулаб бераман деган, лекин шу кунга қадар имконияти булса ҳам туламаяпти, менимча тулаш нияти ҳам йук. Акам закот тулаш имконияти бор одам ва у ҳам ҳажга бориш ниятида юрибди.

Саволим куйидагича:

1. Мен ҳажга боришим олдидан ва керакли амалларни бажаришим учун ота-онадан қолган мерос тақсимланиши керакми? Ёки хайр-эхсон қилиш керакми?

2. Акам қарзини туламасдан ҳажга бора оладими?

3. Акам менга қарзини туламаса, мен узим ҳажга бора оламанми?

ШайхМуҳаммадСодиқ

**Жавоб:**

1. Меросни ҳажга алоқаси йўқ. Усиз ҳам тезроқ тақсимлаш керак.

2. Нотўғри иш қилган бўлади. Агар қарзни тўламай борса.

3. Бора оласиз.

10) Ассалому алайкум, Ҳазрат. Сизга бир саволим бор эди. Ҳажнинг вожиб бўлган саъйини, мутаматтеъ явми тарвиядан олдин умра эҳромидан чиққандан сўнг ўз кийимида адо қилиб куйса жоизми?

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

- Таматтуъ ҳаж қилган одам эҳромдан чиқиб юрганидан кейин Зулҳижжа ойининг саккизинчи куни ҳарамда (яъни, Макка шаҳри атрофидаги маълум ҳарамлик чегарасидан чиқмай) эҳромга қиради. Эҳромга кириш чоғи:

«Аллоҳумма инни урийдул ҳажжа фаяссирҳу лии ва тақоббалҳу минни», деб ният қилади.

Маъноси: «Эй, Аллоҳ! Мен ҳаж қилишни ирода этмоқдаман уни менга осон қил ва қабул айла».

Сўнгра икки ракат намоз ўқийди. Байтуллоҳни тавоф қилиб, Сафо ва Марва ўртасида саъйи қилиб олса, яхши бўлади, кейин тиқилинч вақтда қийналиб юрмайди.

Демак, ўз кийимида мазкур саъйини қилиб бўлмайди.

7) **Савол:** Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

Азиз Устоз, ҳурматли Шайх хазратлари

Аллоҳ Узи Сиздан рози булсин! Бир академикнинг куйидаги саволини йулламокчи эдим.

Хаж сафарига боришга анча йилдан бери ният ва ҳаракат қилган эканлар. Аёлларининг соғлиги ҳам унчалик даражада яхши эмас экан, шу сабабли Иншааллох, шу йилги хаж сафарига бориш насиб қилиб турибди экан. Лекин, Хажга бориш туловидан ташқари бошқа харажатлар ҳам бор экан. Ушбу харажатларни қилмас, бора олмаслиги аниқроқ экан. Шу сабабли, ушбу харажатларни хаж туловларини тулаб булиб, тайёргарлик куриб булиб, хажга кетишдан олдин берса (хизмат қилгани учун совга сифатида), харом аралашган булиб қолмайдими? Бу харажатни қилмасалар, хажга бориш кечикиб кетиши ёки умуман бора олмасликларини ҳам қучилик таъқидлабди.

Шайх Муҳаммад Содиқ

**Жавоб:** - Буни пора дейилади. Ўша акангиз махсус идораларга мурожаат қилиб, ундан пора олишга тамагирлик қилаётганларни қўлга олиб, маҳкамага тортишга ёрдам берсин. Ҳозир порахўрларга қарши кураш кетмоқда.

8) **Савол:** Ассаламу алайкум! Муҳтарам Шайх ҳазратлари! Сизга биз учун муҳим булган савол билан муроҷат қилганман Ман Ўзбекистонда тураман худо хохла са хаж сафари ниятида ман. Мани Бувим Тожикистонда турадилар бувим тожикистондан хаж сафарига жунасалар ман Ўзбекистондан хаж сафарига жунасам ман бувимга маҳрам буламанми?? Олдиндан жавобингиз учун раҳмат қилаётган ишларингизга Оллох ривож берсин!

Шайх Муҳаммад Содиқ

**Жавоб:** - Ҳажда маҳрам бирга бўлиши керак.

**Рухсора Азизова тайёрлади**

# Қалбингизга назар солиб қўйинг!

Ҳаж ибодати - динимизнинг асосий рукнларидан бири бўлиб, мусулмон киши Аллоҳнинг розилигини кўзлаб, бўйнидаги фарзни адо қилиш нияти билан ҳаж қилади. Бу банда учун нафсини гуноҳлардан поклаб олиш, иймонини мустаҳкамлаб олиш учун олий бир имкониятдир. Муборак сафар насиб этган бахтиёр инсон, аввало, бу ибодатнинг моҳиятини тўлиқ тушуниб етишга, нуқсонсиз амалга оширишга ҳаракат қилиши керак бўлади.

Албатта, табаррук жойлардан келган табаррук инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиш - ярашадиган иш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳожиларни кутиб олиш ва табриклашга чақирганлар. Бироқ Ҳаж ибодатига отланган юртдошларимиз орасида баъзи урф-одатлар борки, улар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрилса, арзийди.

Уламолар таъкидлайдиларки, ҳаж каби беркитиб қилишнинг иложи йўқ бўлган ибодатларда мусулмонлар махфий риёдан ўта эҳтиёт бўлишлари лозим. Махфий риё шундай бўладики, киши ибодатни Аллоҳ учун қилади, лекин одамлар ундан хабар топса, қалби сурурланади. Қуръони Каримда риё билан қилинган нафақа «мисоли устини тупроқ босган, сўнгра кучли ёмғир ёғиб, уни сип-силлиқ қилиб қўйган ясси тош»га ўхшатилади (Бақара сураси, 264-оят).

Ҳозирда ҳажга кетаётганларнинг баъзилари ҳали бормай туриб одамларга билдириш пайида бир маросим, «эҳсон» қиладилар. Буни риёдан йироқ деб айтиш мумкинми? Хайрли ишнинг шукрона-

си учун қилади ҳам дейлик, лекин, аввало, шукрона учун икки ракат намоз ўқиб қўйишдимикин?

Кўпчиликдан «Отам ҳажга кетяпти, шунинг учун уйларни таъмирляяпмиз» деган гапни эшитамиз. Онадан янги туғилгандай бўлиб ватанга қайтганда, чиройли уйларни кўриб кўзлар қувнаса, қандай яхши! Аммо, ҳожининг зиёратига келадиган меҳмонлар учун уйни безатгандек Аллоҳнинг уйига меҳмонга бориш учун қалб уйини ҳам тақво, зикр, ибодатлар билан безатишни унутмаганмикин?

Ҳожиларни кутиб олишда, керак бўлса, маҳалла бошидан оқ пояндозлар солиб, ҳожи учун тўрига алоҳида махсус тикилган оппоқ зарли кўрпачалар тўшаб қўйилади. Қизиги, буларни кўпинча ҳожининг ўзи кетишдан аввал тахт қилиб қўяди. Буларнинг бари махфий ҳам эмас, ошкора риёга ўхшаб кетмаяптими?

Қувайт исломий ҳуқуқшунослик қомусида шундай дейилади: «Умуман олганда, ҳожини эсон-омон, соғ-саломат қайтиб келгани ва ҳаж ибодатини адо этгани билан табриклаш мақбул. Зеро бу ўз мусулмон биродарига нисбатан хайрли иш саналади. Қуръони Каримда мусулмонларга қарата: «Енглар, ичинглар, ош бўлсин. (булар) қилган амалларингиз учундир», дейилади (Тур сураси, 19-оят). Демак, Ҳаж ибодатини адо этишдек хурсандчиликни нишонлаш жуда хайрли иш, лекин исрофга, ортиқча дабдабага, айниқса риёга йўл қўймасликка эътибор бериш керак экан.

Аллоҳ таоли муборак сафарга отланган юртдошларимизга ибодатларини мукамал қилишликни насиб қилсин!

**Зарнигор Аҳмадалиева**

# Зулҳижжанинг тарихи

Аллоҳ таолога ҳамду саноларимиз, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга дурӯд ва салавотларимиз бўлсин!

«Зулҳижжа» – ҳажга соҳиб, деган маънони англатади. Мажалланинг ушбу сони айнан мазкур ойга аталгани боис унинг тарих бўлимида зулҳижжа ойининг тарих оша олган номлари ҳақида айрим маълумотларни сиз азизларга тақдим қилишни маъқул топдик.

Зулҳижжа ҳижрий-қамарий йилнинг ўн иккинчи ойи, уруш ҳаром қилинган ойларнинг иккинчиси ва ҳаж ойларининг учинчиси ҳисобланади. Аллоҳ таоло: **«Ҳаж маълум ойлардир»** (Бақара, 197-оят), деганда жумладан ушбу ойни, аниқроғи, унинг аввалги ўн кунлигини ҳам назарда тутган. Бу ойнинг ҳаж ойи деб аталиши ҳаж ибодати-га боғлиқ, албатта.

Ҳаж ибодати, айрим манбаларга кўра, Одам алайҳиссаломнинг даврларидан бошланган. Имом Байҳақий «Шуъабул-иймон»да Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Одамнинг замонида Байтнинг ўрни бир қарич ёки ундан каттароқ белгиланган эди. Одамдан олдин у ерда фаришталар ҳаж қиларди. Кейин Одам ҳам ҳаж қилди. Фаришталар унинг рўпасидан чиқиб: «Эй Одам, қаердан келяпсан?» деди. У: «Байтни ҳаж қилдим», деди. Улар: «Уни сендан олдин фаришталар ҳаж қилишган», дейишди».**

Имом Байҳақий «Сунан»да Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Бирор набий йўқки, Байтни ҳаж қилмаган бўлса, фақат Худдан Солиҳгача бўганлари мустасно».

Ибн Касир айтади: «У иккови ҳам ҳаж қилганини айтиб ўтдик. Ҳаж қилиш деганда гарчи у ерда бино бўлмаса ҳам, унинг ўрнида, ўша жойда ҳаж қилиш назарда тўтилади».

Ибн Исҳоқ Иброҳим алайҳиссаломдан кейин келган барча пайғамбарлар ҳаж қилганини нақл қилган.

Хулоса қилиб айтганда, бу борада ҳасан ёки заиф даражадаги кўплаб ривоятлар бўлса-да, бирорта ҳам саҳиҳ мақомидагиси мавжуд эмас, бироқ, ривоят йўлларининг кўплигидан бу ҳақдаги маълумотларни қабул қилиш мумкин, дейди муҳаддислар.

Иброҳим алайҳиссаломгача бўлган ҳаж ибодати ва унинг атрофидаги бошқа хабарлар ҳақида аниқ ривоят учрамайди. Аммо ҳаж ойининг номи ҳақида айрим маълумотлар бор.

Араблар тарихида ойларни аташда тўрт босқич бўлиб ўтгани айтилади. Самуд қавми ҳаж ойини «Мусбил» деб атаган. Қадимги араблар эса «Наъас» ва «Бурак» деб номлашган. «Бурак» номи туяни чўктиришдан олинган бўлиб, туя қурбонлик қилишга ишора, дейилади.

Араб жоҳилиясида бу ойни «Маймун» – сербарака, деб ҳам аташган. Ўша даврга доир битикларда унинг «Зу ҳажжатан», «Зу маҳижжатан» – ҳаж соҳиби деган номи ҳам учрайди. Уни яна «Шаҳрул-ҳажжи» – ҳаж ойи, «Ҳажжул-Байт», «Ҳажжатул-Байт», яъни Байтуллоҳни ҳаж қилиш, деб ҳам юритилган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бешинчи боболари Килоб ибн Мурранинг замонида тахминан 412 миллодий санадан бу ойни «Зулҳижжа» деб аташ

муомалага кирган. Шундан бошлаб, бугунги кунгача у ушбу ном билан аталиб келади.

Жоҳилият даври мушриклари об-ҳаво қулайлиги ва бошқа нарсаларни рўкач қилиб, ҳаром ойларни, жумладан, ҳаж ойини ҳам у ёқ-бу ёққа суришар, ҳали зулҳижжани зулқаъда деб, ҳали муҳаррамни зулҳижжа деб атаб олар ва шунга кўра амалларни қилишар эди. Беш-тўрт йилда бир ҳаж ибодати ўз пайтида – Зулҳижжада бажариларди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни ҳажга амир қилиб юборган йиллари ҳаж зулқаъдада қилинган эди, чунки бутун араб қабилалари шунга келишишганди. Кейинги йили Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажига борганларида ҳаж ўз вақтига тўғри келди. Ўшанда у зот халойиққа мурожаат қилиб: **«Албатта, замон Аллоҳ ер-осмонни яратгандаги ўз ҳолатига қайтди»**, деганларида бундан кейин ҳаж ойи ўзгартирилмаслигини таъкидлагандилар. Мужоҳиддан нақл қилинишича, Тавба сурасининг 37-оятда қаттиқ қораланган «насий» – ойларни кечга суриш ҳам айнан ҳаж ойларни суришга ишора бўлган.

**Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид**



# Гўзал дўстим

## КИМГА ЭРТАК ЎҚИБ БЕРАЙ?

Аёл ҳар оқшом кутубхонасига шу савол билан кириб келарди. У кимгадир эртақ ўқиб беришни истарди. Уйида эса китобларидан бошқа эшитадигани йўқ эди. Кутубхонада саф бўлиб тизилиб турган китобларҳамнавбатдаги эртақни тинглаш учун уй бекасини интизорлик билан кутиб туришарди. Аёл қўлига гуллар билан безалган Жажжи китобни олиб, юмшоқ диванга жойлашиб ўтирди. У биринчи бетни очганида китобнинг қитиғи келиб қиқирлаб кулиб юборди.

Мунча ёқимтой бўлмасанг, – деди аёл Жажжи китобни эркалаб. – Юзинг ҳам, ичинг ҳам чиройли экан.

Раҳмат, – деди уялинқираб китобча. – Тўғриси айтганда, бир оз ҳаяжондаман. Кеча Қалин китобни тинглаганимизда бир ёшга улғайгандай бўлдик. Яхшилик билан ёмонликни фарқлашни ўргандик. Менинг ички ва ташқи гўзаллигимдан бирон фойда бўлармикан?

Жуда камтарин ва ақлли китоб экансан, – деди токчада савлат билан турган Катта китоб. – Сени яратганларга минг раҳмат! – Сенга ўхшаган китоблар кўп бўлса, атрофимиз гўзаллашиб бораверади. Гўзалликсиз эса яшаш қийин, жуда қийин.

Фикрингизга қўшиламан, Катта китоб, – суҳбатга қўшилди Қалин китоб. – Яхши қозга гўзал сўзлар битилган, устига-устак чиройли суратлар билан безатилган китоб-

ни кўриб яшагинг келади. Хунук китоблар орасига тушиб қолишдан Яратганнинг ўзи асрасин.

Вой, хунук китоблар ҳам бўлар эканми? – ҳайрон бўлиб сўради Жажжи китобча.

Бўлади! – деди қатъийлик билан Қалин китоб. – Ўз кўзим билан кўрганман. Усти бачкана, ичи беъмани гапларгава хатоларга тўла китоблар ҳам бўлади. Ундай китобларни кўрганимда жуда жаҳлим чиқарди. Аммоуларга қараб раҳмим ҳам келарди. Тўғри-да, у бечораларда нима айб?



Бахтинг бор экан, Жажжи китобча. Комил инсонлар қўлида яралдинг.

Демак, мени комил инсон яратган эканда! – хурсанд бўлиб сўради Жажжи китобча.

Албатта! Фақат илмли, билимли инсонгина сенга ўхшаган китобларни ярата олади, – деб жавоб берди Қалин китоб, кейин эса чуқур хўрсиниб гапини давом этди.

Менинг гўзал дўстим бор эди. Аммо уни ким яратганини билмайман. Комил инсон ҳам бундай китобни ярата олмасди. Биз китоб дўконида учрашиб, бир токчада яшардик. Дўстим шунчалар гўзал эдики, атрофдаги китоблар мени ўрнимда бўлишни орзу қилишарди. Дўконга ким келса, албатта, уни қўлига олиб ичидан бирон жумлани ўқиб чиқарди. Мен эса биттагина гапини эшитиб бахтли бўлиб кетардим. Мен учун у бебаҳо эди. Лекин одамлар унга нарх қўйиб қўйишди. Уларнинг назарида бу китоб қиммат эди.

Кунларнинг бирида дўконга талаба келди. Мен уни дарров танидим. Чунки у ҳар

ойни бошида дўконимизга келиб энг яхши кўрган дўстларимни олиб кетарди. Бу сафар ҳам худди шундай бўлишига ишончим комил эди. Талаба Гўзал дўстимни кўрдию, уни бағрига босди. Шу дақиқаларда умени ҳам олиб кетишини жуда-жуда истадим. Чиройлироқ туришга ҳаракат қилдим, атрофимдаги чанглари пуфлаб туширдим. Аммо талаба менга назар ҳам ташламади. Тўғриси айтганда, ўшанда мен ҳам хунук китоблардан бири бўлсам керак, деб ўйлагандим.

Балки уйда худди сенга ўхшаган китоби бўлгандир? – деди аёл Жажжи китобчани бағрига босиб. У Қалин китобнинг гапини бўлиб эртақ ўқишни бошлай олмай турганди. – Акс ҳолда сени, албатта, олиб кетарди. Лекин яхшиямки, у ва бошқа одамлар сени олиб кетишмабди. Бу дунёда ҳамма нарсанинг ўз харидори бўлади. Сен менга насиб қилдинг. Биласан-ку, сени қанчалик узоқ қидирганимни. Шаҳарнинг ҳамма китоб дўконларини қидириб чиққандим-а...

Хоним, мени айнан сизга совға қилишганидан ва кутубхонангизда яшаётганимдан бахтиёрман. Лекин бир кам дунё, деганларидай – бахт китобларнинг ҳаётида ҳам тўла тўкис бўлмас экан. Ёнимда Гўзал дўстим энди йўқ...

Дўстингиз талабага насиб қилибди-да, – деди Жажжи китобча, аёлнинг гапини тезда сингдириб.

Йўқ. Талабанинг пули етмади. У сотувчи билан анча тортишди, ялинди, ёлворди, нималарнидир тушунтиришга ҳаракат қилди. Лекин бари бефойда эди. Ўша куни китоб менга суяниб қолаверди. Мен бахтли эдим. Гўзал дўстимни одам олиб кетмаганлиги учун бахтиёр эдим. Худбин эканман! Талаба кетган дақиқадан бошлаб Гўзал дўстим ҳеч кимга билдирмай йиғлайдиган бўлди. Унингаччиқ ёшларини фақат мен сезардим. Чунки у менга суяниб турарди-да. Унинг гўзаллиги ҳам сўниб бораётгандай эди, назаримда. Дўконга келганларга очилгиси келмасди. Одамлар китобни қўлига олиб “вой-бу, нимаси бунча қиммат экан”, деб яна жойига қўйиб қўйишарди. Эртаси куни ҳалиги толиби илм яна дўконга келди. Дўстимнинг хурсандчилигини кўрганингизда эди. Талаба қўлига китобни



олиб уни силади, юзларига суртди, йиғлади. Дўстим ҳам йиғлади. Уларга қўшилиб мен ҳам йиғладим, гарчи ҳеч нарсани тушунмаётган бўлсам ҳам...

Нимаси тушунарсиз, талаба китобдан имтиҳон жавобларини топган, лекин сотиб олишга пули етмаган. Имтиҳондан йиқилишини ўйлаб йиғлагандир-да, – деди рақамлар билан безалган китоб.

Ундай бўлса, Гўзал китоб нима учун йиғлаган, – гапга қўшилди Озғин китоб.

Гўзал китобларнинг қалби ҳам гўзал бўлади. Раҳми келган талабага. Ахир, имтиҳондан ўтолмай қолишига китоб сабабчи бўлиб қоларди-да, – яна ақллилик қилиб жавоб берди рақамлар билан безалган китоб.

Гапимни охиригача эшитмай, хулоса чиқаришга шошилманглар-да! – деди Қалин китоб, бир оз қовоғини солиб. – Ўшанда тушунмаган бўлсам-да, кейин ҳаммасини сўраб билиб олдим.

Узоқ кутилган фарзанд, яъни ўша талабабу дунёга меҳмон бўлиб келганида онасидан бебаҳо ҳадя олганди. Ҳа, бу ўша Гўзал китоб эди. Бизнинг дунёимиздан гўё норозидай чинқириб йиғлаётган чақалоқ Гўзал китобдан илк сўзларни эшитади-ю йиғидан тўхтади. Янги дунёда яқин дўстини учратгандай суюнади. Гўзал китобдаги ҳар бир жумла унга таниш эшитилаверди. Ва шу кундан эътиборан Гўзал китоб боланинг энг яқин дўстига айланади.

**ГЎЗАЛ КИТОБНИНГ АЙТИШИЧА, БОЛАНИНГ УЙИДА КАТТА КУТУБХОНА БОР ЭДИ. УНДА ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБЛАРИ ЯШАРДИ. БУ КУТУБХОНА БЕБАҲО ХАЗИНА БЎЛИБ, ХАЗИНАНИНГ СУЛТОНИ ЭСА ДЎСТИМ ЭДИ.**

Иссиқ, ёқимсиз жазирама кунларнинг бирида бу оилага ёвуз ниятли одам келган эди. Оила аъзоларининг ишончига кириб,

бола ёлғиз қолганида уни ўғирлаб кетади. Ота-она ўғлини топиш учун бисотидаги бор бойлиги – китобларини сотишади. Улар ҳатто дунёнинг энг яхши махфий жосусини ҳам йўллашади. Нархи осмон бўлгани учун Гўзал китобни ҳам қурбон қилишга мажбур бўлишади. Бироқ боланитопа олишмайди.

Хоним, йиғлаяпсизми? – деб сўради Жажжи китобча устига тушаётган кўз ёшларни кўриб.

Ўғлим...Талаба менинг ўғлим, у тирик экан-да! – ҳўнграб жавоб берди аёл. У яна нималарнидир гапирмоқчи бўларди-ю, бироқ томоғига бир нима тиқилиб қолгани учун гапиришга қийналарди. Кўзларидан дув-дув оқаётган кўз ёшларидан Жажжи китобча ҳам жиққа ҳўл бўлди. Кутубхонадаги жами китоблар дарров вазиятни тушунишди. Улар Қалин китобга юзланиб бошлаган ҳикоясини давом этишини талаб қилишди.

Хоним, Гўзал дўстимнинг айтишича бола ўғриси одам шаклига кириб олган девлардан бири бўлган экан. У ўғлингизни ўзига ўхшаган девларга қўлиб сотиб юборибди – деб ҳикоясини давом этди Қалин китоб. Девлар маконида эса ҳамма болалар бирдай эди гўё. Фақат ўғлингиз улардан яққол ажралиб турарди. У девлар буюрган ишлардан бўшаган вақтда қул болаларга кутубхонасидаги дўстлари ва севимли Гўзал китоби ҳақида гапириб берарди. Ҳатто девлар ҳам бу билимли болани тинглаб ўтиришни яхши кўришарди. Унга камроқ иш бериб кўпроқ китоблар ҳақидаги ҳикояларини эшитишарди. Унинг иззат-ҳурмати кун сайин ошиб борарди. Чунки бу маконда фақат ўғлингиз ўқишни биларди-да. Шундай қилиб девлар ўғлингиз учун турли ўлкалардан китоблар ҳам келтира бошлашибди.

Кунлардан бир кун ўғлингиз хафа бўлиб ўтирганини девларнинг бошлиғи сезиб қолибди. Сабабини сўраса, у янги китоблар орасидан эски қадрдонини, китобини кўриб уйини, оиласини жуда соғинганини айтибди. Девларнинг бошлиғи ҳеч нарса демай ғойиб бўлибди. Бир неча кун ўтиб ўғлингизга муҳим вазифа топширибди. У барча девларга китоб ўқишни ўргатиши керак эди. Бола бу топшириқни бажонидил бажаришга киришди. Орадан оз вақт ўтиб китоб ўқиш-

ни билмаган дев қолмабди. Шундан кейин-девларнинг бошлиғи инсофга кириб ўғлингизнива қулликдаги барча болаларни озод қилиб қўйиб юборибди. Тўққиз ойу, тўққиз кун болангиз йўл босиб, ахийри уйини топиб келибди. Лекинсизларни тополмабди. Қаерга боришни билмай турганда ёнидан ўтиб бораётган талабаларнинг гапини эшитиб қолди. Улар жуда билимли болалар бўлиб билимлар кошонасида ҳам ўқиб, ҳам яшашар экан. Бу жой ўғлингизга маъқул келиб, у ҳам талаба бўлди. Ўғлингиз билимлар кошонасида китоб ўқигани учун маош оларди. Қўлига пул тушган куни эса китоб дўконимизга шошиларди. Шундай кунларнинг бирида у дўконимизда Гўзал дўстини учратиб қолди. Улар бошидан ўтганларни бир-бирига айтиб беришди. Талаба китобни олиб кетмоқчи бўлди, лекин пули етмади. Эртасига ўғлингиз яна келди. Сотувчига китобни сотиб юбормаслигини, пул топиши билан китобни, албатта олишини тушунтирди. Лекин сотувчи сотувчи-да. Китоб олишга кимни пули етса, дўстимни ўшанга сотиб юборишини айтди. Хоним, улар бир-бирини топишди-ю, кейин яна йўқотишди. Ўша куни дўконга бир одам келиб мени ва Гўзал дўстимни олиб кетди. Ярим йўлга келганимизда одам мени чиройли қоғозга ўраб почтадан сизга совға қилиб жўнатди. Шундай қилиб мен ҳам Гўзал дўстимдан айрилдим.

Аёл Қалин китобнинг сўнги сўзларини эшитди-ю, кўз ёшларини артиб, жилмайиб қўйди. Қалин китобига раҳмат айтиб, уни ўпиб қўйди. Жикқа хўл бўлган Жажжи китобчани енги билан артиб қуритди, кейин жойига қўйди. Китоблар аскарлар каби ломим демай саф бўлиб тизилиб туришарди. Бирон сўз ортиқча эди. Ахир аёл кутубхонага кириб, уларга эртак ўқимай хонадан чиқиб кетаётганди. Бу ҳамма учун кутилмаган ҳолат эди. Лекин биронта китоб, ҳатто Жажжи китобча ҳам эртак ўқилмай қолгани учун аёлдан хафа эмасди. Бу оқшом кутубхонада бўлиб ўтган воқеа, ҳамма учун китобга киритилмаган эртак эди.

Аёл кутубхонадан чиқиб, қўл телефони олдиди ва аэропорт билан боғланди.

Самолётдан тушар-тушмас сочларига оқ тушган аёлчуқур нафас олдиди. У она ва-

танига йиллар ўтибқайтиб келганди...

Эр-хотин ўғлини топа олишмаганидан сўнг, ортиқ бу ерда яша олмай кўчиб кетишга мажбур бўлишди. Узоқ-узоқлардан ўзларига оддийгина, лекин шинам уй қуришди. Лекин хоналарни ҳар қанча безашмасин, уларнинг назарида уй совуқ ва бефайз бўлиб қолаверарди. Янги жой, янги уй ҳам яранинг битишига ёрдам беролмаслигини билгач, улар ортиқ бирга яшолмасликларини тушунишди. Турмуш ўртоғи она ватанига қайтиб келди, аёл мусофир юрда қолди.

Аммо бу оиланинг одатига кўра, эр-хотин ҳар йили ўғлининг туғилган кунига бир-бирига китоб совға қилишарди. Улар энди бирга яшашмаса ҳам учқунлаб турган умидини, муҳаббатини мана шу совғалар орқали айтиб олишарди. Кеча оқшом аёлга ўғли ҳақдахабар берган Қалин китоб ҳам бу совғалардан бири эди.

Сизни талабалар шаҳарчасида кутаман, – деди аёл телефон орқали турмуш ўртоғи билан сўрашиб.

Тошкентдамисиз?

Ҳа.

Бир кун келиб қайтиб келишингизни билардим.

Мен ҳам бунга ишонардим. Гўзал китобимизни топишингизга ҳам ишонардим.

Бу ҳақда ҳеч кимга айтмагандим! Қаердан билдингиз?

Менга совға қилган китобингиз айтди.

Китоблар гапирмайди-ку!

Ахир китоблар билан гаплашишни ўзингиз ўргатган эдингиз.

Ҳа, лекин...

Ҳаммасини кўришганимизда тушунтираман. Илтимос, ўзингиз билан Гўзал китобимизни ҳам олиб келинг. Уни ва бизни бир талаба изляпти...

Бу оқшом ҳамма бахтли эди. Ҳатто дунёнинг нариги четида яшаётган Гўзал китобнинг Қалин дўсти ва дўстининг дўстлари ҳам. Улар Гўзал китобнинг атрофида, бахтли оиланинг кутубхонасида яшаш учун жомадонга тахланиб сафарга шай бўлиб турганди.

# Энг мос ва тўғри тадбир

## Ҳажнинг тўғри бўлиш шартлари

Йилнинг шу кунларида кўпчилик воиз ва имом хатиблар Аллоҳнинг уйини ҳаж қилиш учун одамларни руҳлантириб келадилар. Улар қалбида Аллоҳнинг муқаддас уйи ва сайидимиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам зиёратига бўлган иштиёқ ҳисларини қўзғатадилар. Ҳақиқат шуки, кейинги вақтда инсонлар қалбида бундай иштиёқ ва тўлқинлантирадиган туйғуларни қўзғатишимизнинг ҳожаги қолмади. Чунки бу ибодатни бажариш воситалари қулай ва осон бўлиб кетди. Уларни ҳаж қилиш учун Аллоҳнинг уйига икки-уч марта, балки ҳар йили боришларига ундайдиган янги-янги турли замонавий рағбатлантирувчи нарсалар пайдо бўлди.

Эй, Аллоҳнинг бандалари, биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган сўзнинг тасдиқи намоён бўлаётган даврда яшамоқдамиз.

Имом Дайлабий Фирдавс муснадида Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Одамларга бир замон келади. Унда бойлар қулай пайт бўлгани учун, ўртақоллар тижорат учун, қорилар риё учун, камбағаллар тиламчилик учун ҳаж қиладилар».

Мен айтаманки, бугунги кунда биз Аллоҳнинг уйига ва унинг севимли пайғамбари Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ётган жой томон юзланган одамларнинг туйғуларни қўзғотишдан кўра, уларга ҳажнинг вожиб шартларини, балки ҳажни тўғри амалга ошириш шартларини тушунтириб беришимиз яхшироқдир. Вазифа ва йўллар ҳамда шариат ишлари кўпайиб кетган ҳозирги вақтда энг мос ва тўғри тадбирларни эслатишимиз яхшироқдир.

Мен ҳаж мавсумида кўп масжидларга эътибор бериб, бу масжидлардаги имом хатибларнинг йўқлигини кўраман. Уларнинг айримлари ўз ўрнида ўзи қилиши керак бўлган ишни Аллоҳ хоҳлаган кўришида бажармаётганини сезаман. Назар солиб, ушбу масжид имомини ёки унинг

ўрнига Аллоҳ хоҳлаганидек хатиблик қиладиган кишини топа олмайман. Масъул вазифаларда ишлайдиган кишилар, ўйлаб қарасам, уларнинг кўпчилиги ўз зиммаларига юклатилган муҳим вазифаларни бажармаётганларини кўраман. Зиммасига бундай муҳим вазифа юклатилган одамлар қаерда?

Улар Аллоҳнинг уйини ҳаж қилиш учун йўл олдилар. Эҳтимол, уларнинг бири уч-тўрт марта, балки ундан ҳам кўп ҳаж қилгандир. Лекин ўзлари айтаётганларидек, иштиёқ алангаси уларни Аллоҳнинг байти ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зиёратига ундади. Менинг уларнинг қалбига кириб, сир-асрорларини текшириб кўришга кучим етмайди. Мен уларни муболага қилиш ёки ёлғон гаперишда айблай олмайман. Эҳтимол, улар қалбидаги иштиёқ ростдир, лекин биз бундай ҳолатда шариати исломнинг ҳукмларни ўрганиш билан шуғулланишимиз лозим. Бундай ҳолатда, айниқса, олдимизда вазифалар тўпланиб қолган пайтда, бажаришимиз зарур бўлганларини билиб олишимиз зарур.

Биз бундай ҳолатда энг мос ва тўғри тадбирларни бажаришга буюрилганмиз. Мисол учун мен икки-уч марта ҳаж қилганман, ҳозир эса ўзим турган мана шу

ишни бажаришга мукаллафман, бугун мен тўртинчи марта ҳажга чақирилдим, бунга Аллоҳнинг шариати нима дейди? Аллоҳ таоло мени энг мос ва тўғри тадбир олдига қўяди. Бундай ҳолда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мени бажаришга ундаган нарса - менинг ўз зиммамга юклатилган муҳим вазифани бажариш билан шуғулланишимдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўзининг динида буюрган энг мос ва тўғри вазифани бажаришда бардавом бўлишимдир. Ислом шариати менга ана шундай дейди. Мени Аллоҳнинг муқаддас уйига ундаётган иштиёқ бекор кетиб, эътибордан четда қолмайди. Аллоҳ таоло менинг қалбимда жўш ураётган бу ҳавасга ажр ёзади. Аллоҳ азза ва жалла мени Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам яшаган маконга ўтқаз-маса-да, мендаги унга бўлган рағбатга савоб ёзади. Менинг ҳолим айтади:

«Эй, Роббим, Сен қалбим ва ҳаёлимга келган нарсани билгувчи илоҳимсан. Қалбимда Сенинг уйинг ва Набийинг Муҳаммад алай-ҳиссаломга нисбатан кўтарилаётган иштиёқ алангасидан ҳабардор илоҳимсан. Лекин Сен мени инсонлар ҳизматида уларга жавоб беришим учун муҳим вазифага жойладинг. Мен Сенинг буйруғинга бўйсунаман, муқаддас уйингга бўлган иштиёқимни олдинга омонат қилиб қолдираман».

Аллоҳ азза ва жалла сенинг иштиёқинг-ни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмайди.

Ҳар йили ҳаж мавсумда Аллоҳнинг уйига иштиёқ билан ҳаракатланаётган дўстларимизга ана шуни эслатишимиз лозим. Бу - биринчи иш. Иккинчидан, ислом шариатида, яъни ҳажнинг тўғри бўлиши учун етарли бўладиган шартларга мурожаат қилишимиз зарур.

Мен ҳажнинг вожиб бўлишини айтаётганим йўқ.

Эҳтимол, Аллоҳнинг уйини ҳаж қилиш учун йўл олган киши бу ҳаракати орқасидан Аллоҳнинг ҳузурини ўзи учун тайёрлаб қўйилган савобларни йиғиб келаман, деб ўйлаётгандир, лекин у Аллоҳ берадиган савобларни олиб келиш ўрнига гуноҳ ортириб қайтади.

Кириш визаларини қора бозордан сотиб оладиганлар, Аллоҳнинг муқаддас уйига бориш йўллари пора бериш орқали очилишига эришган кишилар, буларнинг турлари жуда кўп. Ана шулар бу ишлари сабабли оғир гуноҳни елкаларига юклаб қайтадилар.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг бизга буюрган ибодатларини бажариш жараёнида бу ибодатларга таъқиқланган гуноҳ ишларни аралаштириб юборишлари мумкин эмас. Аллоҳ таоло покдир, пок нарсани қабул қилади. Улардан бири келиб, ўзи учун бир касбни ўйлаб топади. Ҳожиларга хизмат қилиш баҳонасида Аллоҳнинг уйига келиш учун сохталик билан ўзини бирор касб эгаси қилиб кўрсатади.

Табиблар, фельдшер санитарлар, қас-собчилик ва шунга ўхшаш касбларга тааллуқлик бўлган хизматлар... Кўпчилик одамлар бу каби касблардан бирини ўзла-

ри учун ўйлаб топадилар, ваҳоланки, бу касбга уларнинг ҳеч қандай алоқалари йўқ. Улар бу ишни Аллоҳнинг уйи томон юзла-нишларида ўзларини оқлаш учун ёпинчиқ қилиб оладилар.

Сен ўзинг эгаси бўлмаган касб орқали ҳожиларга хизмат қилишни ўз зимманга олишга ҳақлимисан?

У ўзини беркитган ёпинчиқни у ерга борганида унутади. Бу иш динимизда таъқиқлангандир.

Кимки Аллоҳ таолога яқинлаштирадиган иш қилмоқчи бўлса, ўз қалбига қараши керак. Агар бу иш Аллоҳнинг розилигини келтириб чиқарадиган амал бўлса, унда унинг бу амали Аллоҳнинг шариати билан ранг олиши, бўялиши керак. Қарзга ботган одам олган қарзи оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам, қарз берган одамдан рухсат сўрамасдан ҳаж ва шунга ўхшаш ишлар учун оиласидан ташқарига чиқиши шаръан жойиз эмас. Агар ҳақдор рухсат берса, боради, агар рухсат бермаса, Аллоҳнинг динида ҳаж ёки бошқага боришга унинг ҳаққи йўқдир.

Аллоҳнинг Китобини ўқиймиз, лекин уни ўқиётганимизда у ҳақида ўйлаб кўрамизми? Аллоҳнинг бу оятини ҳаммамиз ўқиганмиз ёки эшитганмиз:

“Сен: “Мен ҳам сизларга ўхшаган ба-шарман. Менга, шубҳасиз, илоҳингиз битта “илоҳ“ экани ваҳий қилинди. Бас, ким Роббисига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Робби ибодатига биронтани шерик қилмасин“, дегин“ (Каҳф сураси, 110-оят).

Амал фақат Аллоҳнинг розилиги учун қилинади. Бажараётган амалимга икки сабабни аралаштириб юборишим мумкин эмас.

Биринчи сабаб, бу Аллоҳнинг розилигидир. Унга бошқа иккинчи сабаб, яъни дунёвий манфаатни аралаштириб юборса ва униси буниси билан аралашиб кетадиган бўлса, ҳамма иш бузилади.

“Бас, ким Роббисига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Робби ибодатига биронтани шерик қилмасин“.

Аллоҳнинг динига бўлган ихлос, тоатнинг руҳидир.

Руҳи йўқ тананинг нима бўлишини тасаввур қилиб кўринг. Унинг борадиган жойи қабр дир. Оқибатда тупроққа айланади. Тоат ҳам ана шу жасадга ўхшайди.

Агарда тоат инсоннинг Аллоҳга бўлган мусаффо ниятидан ажраса, ўз эгасини Аллоҳга яқинлаштира олмайди.

Агар ихлос неъматни рўёбга чиқса, банданинг ҳамма амаллари Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг қурбатида айланади.

Эй, дўстим! Агар Аллоҳ таоло сизни бу хазина билан икром қилиб, сизга ихлос неъматини берса, сизнинг ризқ талабида бозорга бориб меҳнат қилишингиз ҳам ибодатдир. Бунинг эъвазига Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло сизни ажру савоб билан эҳтиром қилади.

Кечқурун уйингизга қайтиб аҳлингизга совғалар улашингиз ҳам ибодатдир, Аллоҳ бунинг эъвазига сиз учун ажр беради.

Агар душанба куни тонг саҳарда вазифангизга ёки сиз учун топширилган ишни бажаришга борсангиз, албатта, бу ҳам бошқа бир ибодатдир. Аллоҳ таоло бу ишингизга ҳам мукамал ажр беради.

Агар олийгоҳингизга дарс бериш ёки илм олиш учун борсангиз, Аллоҳ таоло бунинг сиздан ибодат деб қабул қилади. Буларнинг ҳаммаси сизни бир нарсага эриштиради.

Ягона бир мўлжални ўз ичига олган қалб Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг розилигини туширишдир.

Ҳа, бу ихлоснинг қалбимизда бор-йўқлигини текшириб кўришимиз лозим. Ихлос бир неъмат бўлиб, уни Аллоҳ ўзи яхши кўрган кишига бериши асарларда келган.

Мендан айрим кишилар, «Аллоҳ бандани яхши кўришини биз била олмаймиз, агар бизни яхши кўрса ихлосли бўлар эканмиз, агар яхши кўрмаса, бу неъматга эриша олмас ёки қайсидир йўл билан етиша олмас эканмиз-да?» деб сўрайдилар. Бунинг жавоби қандай, эй, Аллоҳнинг бандалари?

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг муҳаббатига етишиш учун ҳар биримизда етарли имконият бор. Сизга берилган неъматни ўз бергувчисига боғланг. Ана шунда қалбингизда жўш ураётган Аллоҳнинг иштиёқига эришасиз, бу эса Аллоҳ муҳаббатининг белгиси бўлади. Аллоҳнинг ушбу сўзини ўқимаганмисиз:

“Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Пайғамбар юбордик.

Бас, Мени эслангиз, сизни эслайман. Ва Менга шукр қилингиз, куфр қилмангиз“ (Бақара сураси, 151-152 оятлар).

Аллоҳнинг муҳаббатига олиб борадиган йўл бизлар учун очилиб, осон қилиб қўйилган. Бу эса мен айтаётган нарсага муҳтож бўлади.

Аллоҳнинг уйини ҳаж қилиш фарз бўлиб, унинг шартлари бор. Уни вожиб бўлиш шартлари ва тўғри бўлиш шартлари мавжуд. Аммо уч ёки тўрт марта ҳаж қилган одам ёки ҳар йили ҳаж қилишни ўзига одат қилган киши Аллоҳнинг динидаги энг мос ва тўғри тадбирларнинг асосига эътибор берсин. Умр қисқа, вазифалар эса кўп. Энг муҳим бўлган ва Аллоҳнинг розилигига яқинроқ бўлган вазифаларни ушланг. Бандаларнинг ҳақлари Аллоҳнинг ҳақларидан олдин туради. Бандалар ҳаққи даъволашув устига қурилган, Аллоҳнинг ҳаққи кечириш устига қурилган.

Мен ўзимизнинг шарафли тарихимизда бўлган қиссани биламан.

Улардан бири Аллоҳнинг уйини ҳаж қилиш орзусида оз-оздан мол тўплади. Ҳажга кетишига яқин қолганида ўзига яқин бўлган жойда жуда қийналиб қолган, ёрдамга муҳтож оилани учратиб қолди. Ўзини ўзи айблаб, Аллоҳнинг азобига ҳақли деб билди. Чунки бу оила унинг қўшниси бўлса-да, бундан унинг хабари йўқ эди. Тўплаган бор бойлигини ушбу оилага тақдим қилди. Унинг Аллоҳни уйига тортаётган иштиёқи қолиб кетди. Ҳажга боролмай қолган бу кишининг шафоати билан ана шу йил борган барча ҳожиларнинг ҳажини Аллоҳ қабул қилди.

Шуни билинглarki, иштиёқ учун алоҳида ажр бор. Мени ҳам, сизларни ҳам, ихлос неъматини билан икром қилишини Аллоҳ таолодан сўрайман. Қиёмат куни инсонлар оламлар Роббиси олдида турган вақтда бизнинг шафоатчимиз бўлишини умид қилаётган ихлос неъматини маҳкам тутган ҳолимизда ўтишимизни Аллоҳдан тилайман.

Ушбу сўзимни айтиб Аллоҳдан мағфират сўрайман.

**Муҳаммад Саъид Рамазон ал-Бутийнинг жума хутбасидан Эшонгузар жомеъ масжид имом хатиби Абдуллажон Фуломов таржимаси.**

# Қалб ойнаси

**Ассалому алайкум азизлар. Муборак Рамазон ойини кузатиб дилларимизда соғинч қанчалик қолган бўлса, бу дам Зулҳижжа ойи интизорлиги шунчалик шукуҳ бағишламоқда. Улуғ Ҳаж сафари олдидан юртдошларимизни тинглаб туриб, бу сонда тил ҳақда тўхталишни лозим топдик. Фикрларини нутқу-забон орқали баён этиш неъматинсонгагина ҳос бўлиб, тил- кўнгилларни обод этиш қаторида дилларни вайрон этувчи ҳамдир.**

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ يَتَكَفَّلُ لِي مَا بَيْنَ لِحْيَيْهِ وَمَا بَيْنَ رِجْلَيْهِ أَتَكَفَّلَ لَهُ بِالْجَنَّةِ». (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ)

**Саҳл ибн Саъддан ривоят қилинади: «Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менга икки жағи ҳамда икки оёғи орасидаги нарсанинг кафолатини берса, Мен унга жаннатнинг кафолатини бераман», дедилар».**


## Термизий ривояти

Бу маълум ва машҳур ҳадисдан олинган фойдалардан бири инсоннинг икки жағи ораси- яъни оғзига ниҳоятда катта эътибор қилиши жоизлигидур.

Донишмандлар: «агар тил ва қалб пок бўлса, улардан яхшиси, агар улар нопок бўлса, улардан ёмони йўқдир», деб бежиз айтмаганлар. Оғиз аъзолари нафақат жисмимиз балки руҳият оламимиз холатидан даракчи экан. Шундай экан, бизнинг бугунги кундаги эътиборимиз қай алфозда экан? Улуғ сафар олдидан юртдошларимизга айнан оғиз бўшлиғи аъзоларига алоҳида эътибор қаратишни тавсия этган бўлардик. Бунда стоматолог кўриги, парадонтолог кўриги, ортопед-дентист кўриклари ниҳоятда муҳим. Бутун жаҳон соғлиқни суғурталаш тизими фаолиятдан маълумки, бу тур тиббий хизматлар анча-мунча маблағ ва вақт талаб этади. Мусофир юртда азизларимиз бу муаммоларга дуч келмасликлари учун зарурий тадбирларини аввалроқдан кўриб қўйишларини лозим бўлади. Халқимиз шунчалар фидоийки, баъзан ўз саломатликларини тиклашга ке-

ракли вақт ва эътиборни ажратмасиклари ачинарли ҳол. Ажийб бир ҳолатдан ҳам қуяман, ҳам куламан. Ўқиш асносида сизга ҳам таниш манзара кўз ўнгингизда намён бўлса ажабмас... Қабулимизга келган беморларга берар саволларимдан бири: -Ўзингизни, аниқроғи ўзлингизни қанчалар яхши биласиз? -Жуда яхши, дейилган жавобни-ю, чеҳралардаги ҳайронликни кўраман. -Унда айтингчи, оғиз бўшлиғингизда нечта тилингиз бор? Ҳаётингиз давомида тилингизни тозалаш муолажасини тўлиқ бирон марта бўлсада ўтказганмисиз? Навбатдаги саволларимга аксарият ҳолларда -Билмадим, аҳамият ҳам бермаган эканман!- дейишади ҳижолатомуз қизариб. Келинг, бугун бир аҳамият берайлик. Инсоннинг тили у ҳақда жуда кўплаб қимматли маълумотлар бериши, ҳаттоки ички кечинмалари ҳақда ҳам сўзлаши мумкин!" Ранг кўр, ҳол сўр"- деган мақолимиз нафақат инсон рангу-рўйига, балки бевосита унинг тил рангига ҳам даҳлдор. Қуйида келтирганимиз тил ҳолатларига диққат билан разм солинг ва шу вақтга қадар эътибор қилмай келаётган ички касалликларингиз ҳақда сизга тинмай йиллар давомида сўзлаб келишдан толиқмаётган забонингизни эшита бошлашга муваффақ бўлсангиз ажабмас.

Шу ўринда айтиш жоизки, тил юзасида жойлашган ҳарорат сезувчи терморепторлар тери юзасиникидан тубдан фарқ қилади. Қайноққина дамланган чойни ичишни ҳуш қурувчилар уни ичиш аввалида синамоқ учун кўрсатгич бармоқларини шу чойга ботириб, 60 сониягача санаб туришларини маслаҳат берамиз. Аниқки, қуйиш туфайли кескин бармоқларини чойдан тортиб оладилар. Энди фараз қи-



А-жигарда димланиш жараёни.

Б-жигарни ёғ босиш жараёни.

В-ўт қопи ва меъда ости беzi яллиғланиш жараёнлари.

Г- ўпка ва кичик тос аъзоларида димланиш жараёнлари.

Д-Камқонлик хасталиги.

Е-Паразитар хасталиклар.

Ж-Юрак етишмовчилиги.

З-Тарқоқ остеохондроз, ошқозон хасталиги.

И-Йўғон ичак хасталиклари.

К-Буйрак хасталиклари.

Л-Қандли диабет.

М-Қандидоз(замбуруғ), невроз жараёнлари.

лингустидан нақд 90 градус иссиқликдаги чой сурункали тарзда йиллар мобайнида қуйиб келинаётган қизилўнгач ва ошқозон қайга қочсин? Додини кимга айтсин? Тинмай йиллар давомида куйиб бориш натижасида зарда қайнаши, кекириш, оғриқлар пайдо булиши ҳам бизни хушёрликка ундамасачи?! Республика онкология марказида қайд этилаётган қизилўнгач раки(-саратон), ошқозон раки, тил раки(айниқсанос чекувчиларда) сон жиҳатдан йилдан-йилга ортиб бораётгани оддийгина нарсаларни эътиборга олмаслигимиз натижаси экани ачинарли эмасми? Сарвари олам Муҳаммад(с.а.в)нинг башариятга минглаб йиллар аввал меҳрибон Зот Оллоҳ субҳаноҳу ва таоло амрларини бекаму-кўст етказганлари аслида энг катта бахтимиз.

Бутунинг дунё олимлари таъзим ва эътироф этаётган бу бебаҳо тавсиялар- фарз ва суннатларни бажаришга бефарқлик инсониятнинг кўплаб ниҳоятда оғир хасталикларга йўлиқишига сабаб булиб қолмоқда. Бугун муборак Ҳаж сафари арафасида турар эканмиз, Ҳолиқнинг бебаҳо неъматини саналмиш саломатлигимизга бефарқ бўлмайлик! Қайта ҳисоб кунда аъзоларимиз ўзимизга ҳақдор бўлиб қолишмасин, зулмага эваз талабида бўлишмасин, десак уларнингда ҳаққини адо этиб қўяйлик! Саломатлик ва хотиржамликка не етсин? Аллоҳ таоло ҳожиларимизни саломат-омон буюк фарзани олий мақомларда адо этиб қайтишларини насиб этсин!

*Нилуфар Муҳаммаджановна*

# Зулҳижжада қурбонлик қилайлик.....

Аёллар ҳаётда кўп нарсани қурбон қилиб яшайдилар. Аввало, қиз сифатида ўз ота-онасига итоат қилиб, кўплаб орзулари, хоҳиш истакларини қурбон қилади. Кейин жуфти ҳалоли ва қайнонаси учун ота-онасини ва яқинларини ташлаб келади ва кўплаб меҳнатини, вақтини, жонининг роҳатини қурбон қилади.

*Фақат кўпинча бир нарсани унутадилар - уларга ҲАЁТНИ инъом этган, ўз уйининг МАЛИКАларига айлантирган, ЖАННАТНИ оёқлари остига жойлаган Роббиси учун қурбонлик қилишни...*

*Келинлар, бу Зулҳижжа ойида Иброҳим алайҳиссаломнинг оилалари каби яшашга қарор қиламиз:*

*«Сен: Албатта, менинг намозим, ибодатларим, ҳаёт ва мамотим оламларнинг Робби Аллоҳ учундиръ, деб айт». (Анъом 162)*

*Баъзида «Ҳаётда фақат болаларим учунгина яшаяпман», деб айтмаймизми? «Ҳаммасидан зерикдим», деганимиз ёлғонми? Келинлар, тафаккур тарзимизни ўзгартирайлик!*

32

## **СИЗГА ЗУЛҲИЖЖА ОЙИНИ ЯНА ҲАМ ЧИРОЙЛИ ЎТИШИ УЧУН ТАВСИЯЛАРИМНИ АЙТАЙ:**

1. Аввало, ҳар бир кунимиз, ҳар бир қурбонлигимиз ёлғиз Аллоҳ учун бўлсин
2. Гийбатларимизни, исрофларимизни қурбон қилайлик-да, вақтимизни ибодатга сарфлайлик
3. Уйқумизни қурбон қилиб, таҳажжудлар ўқийлик

4. Замонавий охириги урфдаги кийимларимизни қурбон қилиб, Аллоҳ рози бўладиган кийимларни танлайлик.

5. Зулҳижжанинг ҳурматидан ҳар бир кун учун алоҳида бир яхшилик қилайлик.

6. Қуръонга диққатимизни жамлайлик. Маълум вазифаларни белгилаб, уларни вақтида бажарайлик.

7. Дуоларни кўпайтирайлик.

Оналаримиздан ибрат олсайдик...

Байтуллоҳ тарихи ҳақида эсласак, Ҳожар онамизнинг хизматлари беқиёс эканлигини эсламай иложимоз йўқ. Иброҳим алайҳиссалом билан Ҳожар онамизнинг фарзандлари Исмоил алайҳиссалом тутилганларидан кейин, Аллоҳ таоло томонидан ҳеч вақо ўсмайдиган Маккаи мукаррамани обод қилиш учун кетишларига ҳукм қилинди. Ўша пайт Макка шаҳри Нуҳ тўфони туфайли, Одам алайҳиссалом ва малоикалар томонидан қурилган каъбатуллоҳдан асар ҳам қолмаган, одам яшайдиган имид ҳам йўқ, атрофи тоғлар билан ўралган дўмлик шаклидаги ғаройиб жой эди. Каъбатуллоҳнинг атрофида ҳам, узоқроқ жойларида ҳам еб ичиш учун ҳеч нарса топилмас эди. Иброҳим алайҳиссалом ва Ҳожар



онамизни бир ҳалта ҳурмо ва бир меш сув билан, дўмлиқдаги бор биргина дарахт остида қолдирдилар. Ўзлари эса Шомга отландилар.

Иброҳим алайҳиссалом аёли Ҳожар онамиз билан эмизикли фарзандини сувсуз, егуликсиз тоғ орасидаги водийда қолдириб кетаётганларида, аёли Ҳожар онамиз дардли овозда: “Қандай қилиб, бизни шу кимсасиз жойда қолдириб кетасиз ёки бу Аллоҳнинг ҳукмими?” дедилар. Иброҳийм алайҳиссалом : “ҳа Аллоҳнинг ҳукми. Аллоҳ сизларни ҳаргиз ташлаб қўймайди” деб жавоб бердилар. Шунда Ҳожар онамиз бироз жим туриб: “Агар Аллоҳнинг амри бўлса, бизни Аллоҳ зоя қилмайди” дедилар.

Ҳожар онамизнинг бу гаплари қандай ибратли гап-а! Нима деб ўйлайсиз! Аллоҳ таолонинг буйруғи ва эрга итоатда оналаримиздан ибрат олсак бўлмайдимми...

Аллоҳ таолонинг зоя қилмаслигига ишонган Ҳожар онамизни зоя қилмади... Онамизнинг сув қидириб Сафо ва Марва тепалигида югуришлари Аллоҳ таолога ёққанидан мусулмонлар учун Ҳаж ва Умра каби ошиқона ибодатларда бу икки тоғ орасида югуришни вожиб қилди... Агар онамиз тўхта –тўхта демаганларида оқиб турган сувдан анҳор бўладиган Зам-замни берди... Биз билмаган қанчадан қанча ажрларни берди...

**Гулшода тайёрлади**



# Кўк пиёзли қатлама

## Тайёрланиши:

1. Ишни хамир қоришдан бошлаймиз. Тузни сувда эритиб оламиз. Сўнг эланган унгасув, эритилган сариеғ ҳамда шакарни соламиз ва ўрта юмшоқликда хамир қорамиз.

2. Хамиримизнинг учун қатлама ичига суриладиган сариеғ ва қаймоқни тайёрлаб оламиз. Сариеғни бирор идишдаоловда эритган маъқул. Қаймоқни эса хона ҳароратида юмшатамиз.

3. Сўнг хамирни юпқа қилиб ёямиз. Эътибор беринг, хамир қанчалик юпқа бўлса, қатламашунчалик қат-қат, чиройли бўлиб чиқади.

4. Хамирни ёйгач, олдиндан тайёрлаб қўйган сариеғ ва қаймоқдан тенг ярим миқдордасолиб, бир текисдасуртиб чиқамиз ва майда тўғралган кўкатларни сепамиз.

5. Кейин хамирдан 3смлик тасмачалар кесамиз.

6. Тасмани бир учидан чап томонга хамирни йиғиб келамиз. Иккинчи қўлимиз билан хамирни тортиб турамыз, янаям юпқалашади.

7. Тахминан бир ярим тасмадан битта зувалача тайёр бўлади. Уни ўраш жарёнида ҳар ким хоҳишига кўрақатламани катта ёки кичик қилиши мумкин.

8. Зувалачаларни тайёрлаб олгач, қатламаларимизни ясашга ўтамиз. Кулча ясагандек, доиралар ясаб оламиз.

9. Қатламаларимиз ёғ билан “учрашиш”га тайёр. Қизиб турган ёғда икки томонини қизартириб, ликопчагаёки бирор бошқа каттароқ идишга қатламаларимизни чиройли қилиб терамиз.

10. Қатламани кимдир қаймоқ, яна кимдир асал, баъзилар мураббо ва бошқа нарсалар билан дастурхонга тартади. Бунда ҳам ҳар кимнинг хоҳиши ва таъбига ҳавола қиламиз. Қатламани таъбингизга кўра безатиб, ўзингиз истагандек яқинларингизга тортиқ қилишингиз мумкин.

Хамирага:

Сув 1 стакан



Ун 1- 1 ярим стакан  
150 гр маргарин  
Туз 0,5 чой қошиқ  
Шакар бир чимдим  
Ичига:

100 гр маргарин  
Қаймоқ 100 гр  
Кўкатлар табга кўра  
Ёқимли иштаҳа!

Гўзал Нажмиддинова